

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Дўстлик

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМЎРИЯТИ ИИБ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

30 ИЮН 1992

- №№ 64—65.
(2484—2485).
- 1992 йил
1 июль
- ЧОРШАНБА
- НАРХИ 2 СЎМ.

ЧЕКСИЗ МИННАТДОРМИЗ

Ҳурматли вазир!
Бутун республикаимиз аҳли бохабарки, шу йил 14 ва 20 май кунлари бошимизга оғир мусибат тушди. Дўл аралаш ёққан сел оқибатида ўта кучли сув тошқини ҳосил бўлди. Туманимиздаги «Савай» давлат хўжалигининг биринчи ва иккинчи бўлимлари, шунингдек Тимирязев номли бўрдоқчилик уюшмаси ўрамадаги 5 минг гектар (минг гектари пахта майдонлари) экинзорларимиз ювилиб кетди. Деҳқонларимизнинг эрта баҳордан бери қилаётган заҳматли меҳнатлари бирданига йўққа чиқди. Бу ҳам майли, беш юзга яқин хонадонлар зарарланди, юзга яқин хонадонни эса сув босиб, яшаш учун мутлақо яроқсиз бўлиб қолди.

Аммо яратганга минг қатла шўкри, ана шундай оғир дамларда ҳам тушкун-

ликка тушмадик! Негаки ҳеч ким четда томошабин бўлиб тургани йўқ. Вилоят ва туман ҳокимиятлари раҳбарлари доим биз билан ҳамкор-ҳамнафас бўлдилар. Корхона ва ташкилотлар жамоалари эса амалий ёрдам кўрсатишга шошилдилар.

Бу борада айниқса туман ИИБ ходимларидан чексиз миннатдормиз. Милиция майори Ҳабибулла Муҳамедов бошлиқ тинчлик посбонлари табиий офатнинг дастлабки ҳуружи пайтидаёқ етиб келишди. К. Мадумаров, М. Қодиров, А. Турдибоев, Б. Қосимов, А. Ашуров ва бошқалар табиий офат юз берган жойда жамоат тартибини сақлаш, одамларнинг мол-мулкни қўриқлаш, жабрланганларни хавфсиз жойларга кўчиришда ҳақиқий милиция ходими-га хос ғайрат ва мардлик кўрсатдилар. Энди ишончи-

ВАЗИРГА МАКТУБ

миз комилки, туманимиз аҳли уларнинг тимсолида бошига дўппи кийган ўзбек миллатининг ҳақиқий ўғлонларини кўрадилар.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиздан Қўрғонтепа тумани ИИБнинг эл ишю ташвишига камарбаста ходимларига миннатдорчилигимизни етказишингизни сўраймиз.

А. АҲМЕДОВ,
«Савай» давлат хўжали-
ги раҳбари,

Х. КАРИМОВ,
шу хўжаликдаги бирин-
чи бўлим бошлиғи,

З. ҒАФФОРОВ,
шу хўжаликдаги иккин-
чи бўлим бошлиғи,

К. АНАНТАЕВ,
Тимирязев номли бўр-
доқчилик уюшмаси
раиси ва табиий офат-
дан жабрланган ишчи-
лардан ўн уч киши.

ТАЙИНЛАНУВ

Ўзбекистон Республи-
каси ички ишлар вази-
ри буйруғига мувофиқ
милиция полковниклари
Тўра Холматов ва Шав-

кат Қаримовлар Хоразм
ҳамда Қашқадарё вило-
ятлари ҳокимиятлари
ИИБлари бошлиқлари
этиб тайинландилар.

БУГУНГИ СОНДА:

2-БЕТ

Қаҳри қаттиқ милиционер чолга: «Сен жим ўтир, чурқ этсанг пешонангдан отиб ташлай-ман!» — деб тўппончасини ғилофидан чиқар-ди.

3-БЕТ

Опамла соляркани қуйиб бўлгач, туриб қолдилар. Шунда отам ёнларига бориб: «Нимани кутаяпсан? Екмайсанми, қани?» — де-дилар.

4-БЕТ

Корхонадаги хориждан келтирилган олти-
тикув машинаси ном-нишонсиз ғойиб бўлган
эди.

5-БЕТ

ОНАМАН, АРМОНИМ ЙЎҚ.

6-БЕТ

«ГОНКОНГДАН ЖУНАТИЛГАН ТОВУТ»
(ДАВОМИ).

7-БЕТ

ПАНАДАГИ «ИШБИЛАРМОНЛАР»

8-БЕТ

ҚОНУН АМАЛДА

МИНГ ТАШАККУР!

Халқимизда камбағални урма, сўкма, уст-бошини йирт, деган нақл бор. Айтмоқчимизки, ҳозирги иқтисодий танглик халқимизни анча-мунча қийнаб қўйди. Бу кунлар ҳам ўтиб кетар.

Мақсадга ўтадиган бўлсак, бизнинг Челақ тумани ИИБ ходимлари айни пайтда аҳлимининг савдогару чайқовчи, айрим ўринларда «ишбилармон» деб номланаётган қаллоблар фирибидан муҳофаза этишда намуна кўрсатишяпти.

Нопоклардан тортиб олинган ноёб моллар жамоа хў-

жаликларига олиб бориб, фақат ер билан тиллашаётган соддадил кишиларга ўз нархида сотилмоқда. Карл Маркс, П. Нурмонов, Куйбишев номли ва Зарафшон жамоа хўжаликларида ана шундай савдо йўлга қўйлиб, 100 минг сўмликдан зиёд моллар тарқатилди.

Минг раҳмат сизларга, милиционер-дўстлар!

А. АБДУСАМАДОВ,
Оққўрғон қишлоқ кен-
гаши раиси,

Х. ЖУМАНОВ,
Айтам-Ғали қишлоқ кен-
гаши раиси.

ЭЛЧИХОНА ОЧИЛИШИ ОЛДИДАН

ИИБда Япония ички ишлар вазирлиги вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Республикаимиз ўз мустақиллигини эълон қилгандан сўнг, унинг пойтахтида давлатимизни тан олган мамлакатларнинг элчихоналари очила бошлади. Айни пайтда Япония ҳам шу ниятда.

Осиёдаги ушбу икки мамлакат тарихида қўйилаётган бу муҳим қадамни муҳокама қилишар экан, Япония вакиллари республикаимизда очиладиган элчихона ходимларининг хавфсизлигини таъминлашга кафолат берилишини сўрадилар. Япония вакиллари билан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ўртасида бўлиб ўтган учрашувда шу масала муҳокама қилинди.

Учрашувда Япониянинг алоҳида топшириқлар бўйича элчиси жаноб Онда Такаси, Япония ташқи ишлар вазирлиги ходимлари Эгава Акио, Мотаяма Акира, Накадзима Хидэоми, Охаси Есики, Япония элчихонасининг биринчи котиби Осанаи Такаси ва учинчи котиби Ивасаки Ичиро, Ўзбекистон Республикаси ИИБ томонидан ички ишлар вазирлигининг биринчи ўринбосари, милиция генерал-майори Ғ. Раҳимов, визалар ва рухсатномалар бериш бўлимининг

бошлиғи Г. Йўлдошев, жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг бошлиғи Қ. Тошмуҳамедов, жиноят қидирув бошқармасининг бошлиғи А. Ортиқов, паспорт бўлимининг бошлиғи А. Сатторов, ахборот марказининг бошлиғи М. Маҳмудов, штабнинг ташқи алоқалар бўлими бошлиғи Б. Саъдуллаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси божхона қўмитасининг раиси Э. Жўраев ўртоқлар иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг биринчи ўринбосари ўзининг табрик нутқида кўрилатган барча масалалар ижобий ҳал этилишига умид билдирди.

— Бизнинг давлатимизда, — деди Ғофир Раҳимович, — 21 миллиондан кўпроқ киши яшайди. Бизда ҳам Япониядаги сингари жиноятчиликни ҳар юз минг кишига қараб ҳисоблаш қабул қилинган. МДХ мамлакатларида ўрта ҳисобда юз минг кишига 1100—1200 жиноят тўғри келади, Ўзбекистонда бу рақам икки баравар кам, 538 тани ташкил этади.

Жамоат тартибини сақлаш ҳамда жиноятчиликка қарши кураш аҳволи билан меҳмонларни таништирар экан, вазирнинг биринчи ўринбосари Ўзбекистон Республикаси ИИБнинг таркиби, ички ишлар идоралари дуч келаётган муаммолар ҳақида ҳам

тўхталди. Юзага келган иқтисодий вазиятда жамоатчилик милицияга кам ёрдам бермоқда. Япония ҳақида бундай деб бўлмайди. У ерда аҳоли жиноятчиларни қидириш ва жиноятларни очиш ишида полицияга яқиндан кўмаклашади.

Ҳозир Ўзбекистон Республикаси ўз қонунларини ишлаб чиқмоқда. Уларда илғор давлатларнинг тажрибалари ҳисобга олинган. Кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам катта эътибор берилмоқда.

Жаноб Онда Такаси республикадаги вазият тўғрисидаги батафсил маълумот учун миннатдорчилик билдирди.

— Агар биз Тошкентда ўз элчихонамизни очадиган бўлсак, — деди у, — ходимларимиз хавфдан ҳоли бўлишларига тўла ишонч ҳосил қилишимиз керак.

— Элчихонангиз ходимлари хотиржам, жиноятчилардан қўрқмай бемалол ишлашларига мен юз фоиз кафолат бераман, — деди бунга жавобан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг биринчи ўринбосари.

Ҳар икки томон иккала мамлакат ҳамкорлиги самарали бўлишligига ишонч билдирди.

М. СУЛАЙМОНОВ,
Суратларда: учрашув да-
қиқалари.



Сиз кутган, кутмаган хабарлар

СУРХОНДАРЕ

Жайфияти қайта
тикланди

Деновлик Владимир Першин уйдаги «Комета» белгилли магнитофони ва қимматбаҳо кийим-кечаклари ғойиб бўлганини кўрдию юраги шувиллаб кетди. Фақатгина ИИБ ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайлигина чуқур «уҳ» тортдию: «Хайрият!» — деб юборди.

Унга моддий зарар истасанлар термизлик Олег Степанов, Бахтиёр Норқулов ҳамда Дмитрий Мирзаевлар экан.

Ҳамқишлоқнинг

«саховат»и

Ангор туманидаги Калинин жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Рустам Жўраев ишдан уйига қайтиб келсаки, аҳвол чатоқ: деразининг «кўзи очик», ойнаси олинган.

Милиция ходимларининг жиддий изланишларидан сўнг бўлган воқеа тафсилоти ойдинлашди. Шу қишлоқлик, аммо ҳеч қаерда ишламайдиган Зокир Меғлиев Рустамга «саховат» кўрсатган, унинг уйини ўзининг ўйлашча «ортиқча» бўлган «Спектор» телевизоридан ва ноёб кийим-кечаклардан «тозалаб» қўйган экан.

Ишга бормади

«СЭМУ» кўргонилик Панжи Раҳимов эрта тонгда одатдагидек ишга отландию аммо дарҳол шаштидан қайтди. Ховлисида турган «ВАЗ-2106» белгилли «тойчоғи»нинг икки гилдираги йўқ эди. Орадан маълум муддат ўтгач, Холмирза Раҳимов ўғирлаган нарсаларини эгасига қайтарди. Ўзича эмас, Жарқўргон тумани ИИБ сирни фош этгач.

Эл оғзида
шу гап

Айни кунларда Шеробод туманига бориб қолсангиз, кўпчиликнинг оғзидан бир хил гап эшитасиз: «Қўхитан совхозидagi Жовли Рустамовнинг уч бош қорамолини ўғирлаганлар қўлга тушибди. Аввал ҳам судланган Тоҳир Эшмўродов, ва Азамат Ҳикматовлар милицияда тергов қилинпти экан».

Пўписи

кор қилмади

Сариосиё тумани ИИБ ходимлари Охунбобоев жамоа хўжалиги ҳудудида — тоғлар бағрида 3 гектар майдонга кўкнор экилганини эшитиб, йўлга тушибди. Кўкнорикор Тўлқин Бобоназаров ва Аҳмадали Шукуровлар меҳмонларни ов милтиғи ўқталиб кутиб олишди. Аммо бу пўписа милиционерларга кор қилмади. Жиноятчилар қўлга олиниб, кўкнори ўриб ташланди. **ЗИЕД.**

УЛФАТ—КУЛФАТ

Воқеа жойига етиб келган оператив гуруҳ А. Кочетков бош илжасининг орқа қисмига қаттиқ нарсаси билан урилиши натижасида (ўз уйида, диванда!) ҳалон бўлганлигини аниқлади. Қўни-қўшилар билан суҳбат натижасиз бўлди, лекин ишхонасидагилар Анатолий У. Ашуров билан бирга уйига кетганлигини айтишди. Ўша кун Усмон топилмади. Эртасига эса бамайлихотир ишга борган жойида тутиб келтирилди ва воқеага аниқлик киритилди.

Марҳум ҳам, қотил ҳам Ўзбекистон фуқаро авиацияси бошқармасига қарашли таъмирлаш-қуриш бошқармасида ишлашар экан. Бунинг устига бир маҳаллада туришаркан. Ўша кун Анатолий Усмонни уйига таклиф қилган. Утириб ичишган. Кўчага чиқишгач эса жанжаллашиб қолишган. Гапдан гап чиқиб Анатолий Усмонни итариб юборгач, у ҳам қараб турмай, қўлидаги сумкаси билан бошига тушириб қолган. Сумка қуруқ эмас, ичида катта калит бор эди.

Анатолий ҳушидан кетгач, Усмон судраганича уйига киритиб, диванга ётқизган.

Кўчани айланиб, орадан бир-икки соатни ўтказиб, яна улфатининг ёнига келганида, у совиб қолган эди.

Х. МУЙДИНОВ.
Тошкент шаҳри.

СИРДАРЕ

ЁТОҚХОНАДАН
ҚАМОҚХОНАГА

Худойберди Раҳимов ишлайвериб чарчади, саёқ юришга одатланди. Лекин бу алфозда ҳеч ким бир минри бермайди, ўзинг топишинг керак. Бўрини оёғи боқади, дейишди-ку!

Худойберди ўйлай-ўйлай бир пайтлар ўзи ишлаган нон заводи ётоқхонасига борди. Р. Эҳсонова яшайдиган хона эшигини тақиллатди. Ҳеч ким йўқ экан. Махсус темир билан қулфни буздида 980 сўмлик буюмларни бағрига босди.

Гулистон шаҳар халқ суди эса уни 3 йилу 6 ой муддатга темир панжаралар ортига жуънатди.

ИЛТИФОТ

Моддий-товар бойликларини ташқарига олиб чиқиб кетилишини назорат қилувчи Давлат инспекциясининг Сирдарё вилоятидаги 140-пости ходимлари хўжайидлик Раҳмат Ҳодиев кетаётган уловни тўхтатишди.

Меҳмон отангдан улў, деган нақлга амал қилиб:

— Хуш келибсиз! — дейишди.

Раҳмат Ҳодиев ҳам ановилардан эмаскан.

— Хушвақт бўлинг, — деб жавоб қилдию амалий ишга киришмоқчи бўлди. Тўғрироғи, милиция ходимларига «совға-салом» бериб оғизларини мойлашни ихтиёр этди. Аммо ҳаракатлари зое кетди.

Шундай қилиб, 60 метр сатин ва 1 минг 80 сўмлик бахмал матолар қардош жумҳуриятга етиб бормади.

ТОШКЕНТ

КУЁВНИНГ ДЎСТИ

Ҳамманинги яхши еб-ичгиси, кийингиси келади. Шу жумладан, оҳангаронлик чилангар Сирожидин Қосимовнинг ҳам. Аммо на иложки, олаётган маоши ҳаминқадар бўлса!..

Йўлини топди. Тўртинчи ўрамдаги кўп қаватли уйлар томон йўл олди. 7 «А» уйининг 46-хонадонини танилади. Эшикни шундай маҳорат билан бузиб очдики, ҳатто ён қўшнилари ҳам сезишмади. Қарабсизки, 4 минг 200 сўмлик буюмлар «уники» бўлди.

Уй соҳибни эрталаб ишдан қайтса, эшик бузилган, уй шип-шидади. Оёғини қўлига олиб милицияга югурди. Ва маълум муддат ўтгач, тутилган ўғрини кўриб, ҳайратдан ёқасини ушлади. Қаҳрамонимиз С. Қосимов жабрланувчи куёвининг дўсти экан.

Маҳкам ҲАКИМОВ.

НАВБАТ ЧЎЧҚАЛАР ҲАҚИГА

Утишсини, йўге, кечаги кумларни эслай оласизми? Ўшанда жамиятимиздаги эмгиллатли ва ашаддий ишқирозчи ҳисоблаб, ишчи касбининг ҳам сунистеъжол қилаётганлигини назарда тутиб ташмачини жазолашни авж олдириб юборган эдик. Чунки буздайлар мисқоллаб таниб, ботмонлаб зиён етказишни уқтириларди. Ўша пайтдаги ташмачининг соясини дўп-пословчи қонунларимиз, ҳали ҳам силласи қуриб қурашмоқда. Натижаси эса камроқ.

Жомбой дон маҳсулотлари комбинатида бозор шариоити оғир кечаётган бир пайтда давлат мулки ва эл ҳаққини ташинишга, талон-торожини авж олдиришга ўтиб олишди. Аниқроғи, дон маҳсулотлари комбинати ишчилари саноқли кунлар ичида 185 килограммлик эл ҳаққини, ризқини ўмариб кетишга ётганда, Жомбой тумани ИИБ пост-патруль хизмати милиционерлари томонидан ушлаб қолишди. Хўш, комбинат раҳбарияти ўз ишчиларини қачон тўйғизади? Кунинга фалон килони икки маротабалаб таниб кетаверилса, ун комбинати ишқирозга юз тутиши ҳеч гап эмас. Ишчиларга раҳбарият қандай танбех берган, билмадигу, Жомбой тумани халқ суди уларнинг ҳар қай-

сисига жарима солиш ва 2 ойгача маошдан 20 фоиз ундириб қолиш тўғрисида қарор чиқарди.

Дон маҳсулотлари комбинатида қўшни бўлган гўшт комбинати ҳам ташмачининг ўчоғи, кези келганда «қўшни»сини бу борада доғда қолдириб кетади. Яқинда бу ердан ҳам бир қанча текникхўрлар ушланди. Қўли эгри шоввозларнинг ҳар бирига суд ҳукми билан икки ойгача иш ҳаққидан 20 фоиз тўлаш насиб қилди.

Эл дастурхонидаги камчилликнинг туб илдизи шу — ташмачиларнинг ташуви. Лекин бу мисоллардан ташмачилар фақат одамларнинггина ҳаққига қўл чўзишгагина эканда, деган хулоса чиқармаслик керак.

«Ғалабининг 30 йиллиги» давлат хўжалиги фермаси чўчқачиликка мўлжалланган. Ишчи Сергей Вантов эса чўчқаларга ҳам шерни бўлиб, комбикорма ўмариб кетаётганда, қонун посбонлари тўхтатиб қолишди. Дарвоқе, бу ердан чўчқалар ҳаққига шерик бўлаётганлар суд залига тез-тез келиб туришди.

Турдиқул ИСАҚУЛОВ, Жомбой тумани халқ суди раиси.

Нишон МЕЛИЕВ, «Постда»нинг жамоатчи муҳбири.

МАСТЛИКДА

Фаргона вилоятининг Давғара туманидаги 9-ошхонада ўғрилик юз берди. Номатлум кимсалар омбордаги озиқ-овқатларни таниб кетишган.

Ушбу жиноят икки соат ичида очилди. Жиноятчилар шу ошхонада туз-насибасини териб, юрган 20-22 ёшлар-

даги Шермуҳаммад ва Саид-аҳмадлар бўлиб чиқди.

— 6 пиша вино билан бир пиша ароқ ичгандик. Кейин мастликда... — дея бошларини қўйи солишди йигитлар терговда.

Ота-оналари эса бу ишдан умуман беҳабармишлар. Ана мастлигу, ана пастлики!

Муҳаммад РАЖАБ.

КАСБИЛИК «УЧАСТКОВОЙ»НИНГ КАСБИ

«Талишбе» давлат хўжалигида жойлашган «Лола» болалар боғчасида қирик хангомалар юз берди: каптар тутиш учун келган болалар томга чиқиб, феъллари айнаидими, ишқилиб фанерни синдириб хонага тушибди. Бола-болада, сочиқ, пиёла ва бошқа буюмларни ўғирлашган.

Эртаси кун воқеадан хабар топган боғча мудираси Ҳалима Норқулова хўжалик директори Баҳром Турсуновга бориб учрашди. Шундан сўнг бу ишга участка вакили Қўйли Раҳматуллаев аралашди: гумон қилинган болалар боғча ҳовлисига келтирилди, тарбиячилар билан юзлаштирилди, айбларига иқдор ҳам бўлишди. Ҳаммаси силлиққина бораётганда бу иш бутунлай тескарисига айланиб кетади, деб на боғча мудираси ва на тарбиячилар ўйлашмаган эди: гўёки боғча мудираси турмуш ўртоғи Мустафо билан тунда боғчага ўғирликка тушибди эмиш. Участка вакилининг тахминини шундай эди. Бу иснодга чидай олмаган мудира хўжалик раҳбарига мурожаат қилди. Ўз навбатида «участковой» ҳам жим тургани йўқ. У мудиранинг синглиси Ўғилойдан «Боғчадан йўқолган буюмларни опам олиб

кетган», деб тушунтириш хати ёзиб беришни талаб қилди. Сингил кўнмади. Шунда у бир парча қоғозни кўрсатди: «Мана, боғча қоровули Арзиқул Қўйлиев ёзиб берди. Опанг ўғри!», — дея ўшқирди. Тарбиячи ўзини йўқотиб қўйди. Нима бўлганда ҳам опасининг ўғри эканига ишонмади, албатта. Тушунтириш хати ёзиб беришдан бош тортди. Шунда қаҳрамонимиз уни жеркиб, бошига тўртганича стулга ўтқизди. «Ез» — дея зўрлади. Қоровул А. Қўйлиев: «Болам, бундай қилма, ахир улар ўғирлик қилишмаган» — дея зорланди. Қаҳри қаттиқ милиционер чолга: «Сен жим ўтир, чурқ этсанг пешонаңдан отиб ташлайман!» — деб тўпсончасини ғилофидан чиқарди. Уни ҳам ёлгон кўргазма беришга мажбур қилди.

Мудира узоқ тортишувлардан сўнг ҳақ бўлиб чиқди. Аммо адолатни қарор топтираман деб бўларича бўлди. Участка вакили Қўйли Раҳматуллаевнинг фаолиятида бундай мисоллар оз эмас эди. Бироқ туман ИИБ раҳбарлари бу гал ҳам уни сийлашди. Меҳрибонлик шундан иборат эдики, уни «Талишбе» давлат хўжалигидан силлиққина олишиб, 20-давлат хўжалигига участка вакили қилиб ишга юборишди. Му-

рувватдан хурсанд бўлган Қўйли ака янги жойда ҳам ўз ҳунарини кўрсатмаслигига қафолат йўқ.

Д. ҚҲРҚМАСОВ,
К. УТКИРОВ.

Ульянов тумани.

ТАҲРИРИЯТДАН: муҳбиримиз Ульянов тумани ИИБ бошлиғи Абдураим Ибодов билан боғланиб, ушбу воқеанинг тафсилоти билан қизиқди. Маълум бўлишча, бир тўда болалар каптар овлагани бориб, боғча томига чиқишганда, фанер тешилиб, хонага тушиб кетишган. Бор гап асосан шу. Қўйли Раҳматуллаев ҳақида эса эски, тажрибали ходим деди. «Умуман, — деди яна у, — кейинги пайтларда туман милициясини танқид қилувчилар кўпайиб кетди. Газетамизни варақласангиз, ўч-тўртта яхши ишлайдиган ходимимиз бор, нуқул шулар ҳақида танқид ўқийсиз. Тинч қўйишмайди ишқилиб. Икки-уч кишининг гапига ишониб ёзишаверади. Энди бунга судни аралаштириб чек қўймасак бўлмайди, шекилли».

Англадикки, бу ерда ҳаммаси жойида эмас. Умуман олганда тортишувнинг бори ҳам яхши. Киши хатони камроқ қилади. Газетанинг таянгани эса шу — одамлар, холос.

МАКАРОН ҚУТИДАГИ ЁЗУВ

Тошкентдай шаҳри азиямда ким кўп — бўз бола-кўп. Худди шундай кўшнинг бири, этининг жири бўлган Вания тушга яқин бошига қон қуюлиб ўтирган эди.

Худди шу маҳал улардан икки қават юқорида турадиган 8 ёшли қизалоқ қўлида макарон кўтарганча келиб қолди. Вания унинг олдида тушиб, зинапоё бўйлаб тегалага кўтарилла бошлади. Учинчи қаватдаги майдонча — уйларнинг эшиги олдида келганида шарт бурил-

дию қизганининг йўлини тўсди:

— Макаронининг қутисига нима ёзилган?

Алёна ҳайрон бўлиб турганида, у оғзини қўли билан беркитдию, эшикни очиб ичкарига итариб юборди.

— Овозининг чиқарадиган бўлсанг, сўйиб ташлайман!

У одамлар ростдан ҳам эриб кетган деб ўйламоқда эдию, бахтига қарши эримаган экан. Хусусан, қўшнисини бу бақриқ-чақриқини эшитиб турган экан, ҳатто

милиция етиб келгач, эшигини очиб ташқарига чиқди ҳам. Фақат буларнинг ҳаймаси бир соат ўтгач бўлади, ҳозир эса йигитча қизалоқни ювиниш хонаси томон судраб бормоқда эди.

Бу ерда... сиз ўйлаётган воқеалар юз бермади, номатқул ҳаракатлар, ЖМнинг 96-моддасидаги жиноят содир бўлди, холос.

Бўз йигит терговда ҳаммасини тан олди, бир майда ҳолатдан ташқари. Бу ҳолатни айтишга биз уяламиз, сиз эшитишга.

Воқеа, жиноят, жазо

СУД ДАВОМ ЭТАДИ

Гур-гур овоз бериб, ҳовли бўйлаб бир тўп олов шиддат билан, ваҳшат билан айланади. У ўқоқдаги, тандирдаги оловдан фарқ қилади. Жони бор бу сапсарик гулхоннинг. Жони савил аёл — ОНА ЕНЯПТИ!..

Фожа фарзанд кўз ўнгига юз берди. Ундан бўлган воқеани сўраш ниҳоятда оғир кечди. Бир жумла айтар-айтмас, ранги оппоқ тус олар, ютоқиб-ютоқиб кетарди.

ШАВКАТ (9 ёш):

— Опамла касалийдилар. Лекин кўп кир ювдилар ўша куни. Укам ҳам касал бўлиб қолганиди. Опамла мени чақириб, отангни топиб келгин, Элэрни иситмаси кўтариляпти, дедилар. Мен отамни қаерда бўлишини билардим. Борсам, отам одамлар билан вино ичиб ўтиришган экан.

«Опамла сизни тез келсин, дедилар. Укамни иситмаси баланд эмиш», — дедим қўрқа-писа.

«Кетавер. Ҳозир бора-ман», — деб отам яна ичдилар.

Кейин келиб укамга қарадилар-да:

«Ҳеч нарса қилмайди, овқатни келтир», — дедилар.

Опам картошка-палов олиб келдилар.

«Бу нима? Сендан сўра-япман, нега суюқ қилмадинг?» — деб бақирдилар отам.

Кейин опамлани қувиб, сочларидан бураб, уйга судрадилар.

«Текинтомоқлар, текин-хўрлар! Еб ётишни биласан ҳамманг! Ҳозир сени сочларингни таги билан кесиб ташлайман!» — деб отам қайчи қидирди. Бир илож қилиб отамнинг қўл-

ларидан чиқиб олган опам ташқаридаги канистрдан устларига солярка қўйди-лар (у ёғига Шавкатнинг кучи етмади, лаблари ғайриоддий пирпирай бошлади)...

Ж. ТУРДИЕВА:

— Ўша куни овсиним бетоблигига қарамай, анча кир ювди. Қарашворай дедим, кўнмади. Кеч тушганди. Қозондаги овқатим билан овоза бўлиб турганимда, болаларимдан бири: «Опам ўзига керосин қўйиб юборди», — деб қолди. Ишонмадим. Лекин ҳовлидаги катта алангани кўриб юрагим чиқиб кетай деди. Овсиним аланга ичида кўринмасди. Шавкат унга сув сепди. Мен дастурхонни олиб ўрадим. У биргина жумла айтишга улгурди, холос: «Кийимимни алмаштириб қўйинглар...»

ШАВКАТ:

— Опамла соляркани қўйиб бўлгач, туриб қолдилар. Шунда отам ёнларига бориб:

«Нимани кутяпсан? Екмайсанми, қани?», — дедилар.

Кейин ёнғоққа суяниб, қараб туравердилар. Опамнинг қўлларига гугурт ҳам бор экан... агар... билганимда... Опам оловда кўринмай қолдилар. Пақирдаги сувдан сепдим. Отам бўлса, қараб туравердилар. Опажонимдан... ажрадик! Шошмай тур...

Наманган вилояти суд-тиббий экспертизаси хулосасидан:

«Раҳбархон Турдиевнинг ўлими лаблари, бўйин олди, орқа кўкрак қафаси, иккала елка ва билаклари, бармоқлари, олди ён кўкрак қафаси, қорин ва бел соҳаси, чап сон болдирлари-

нинг II-III-IV-а, 6 даражали, яъни тананинг 80 фоиз куйиши натижасида юз берган...»

З. ИБРОҲИМОВ (Тўрақўрғон тумани халқ суди раиси):

— Р. Турдиевнинг турмуш ўртоғи Раҳимжон Турдиев 1954 йилда Шаҳанд қишлоғида туғилган. 1975 йилда турмуш қурганлар. Рўзгорда камчиликлари умуман бўлмаган. Гуруч, ун, ёғ қоқи-бочкаси билан бўлган. Кейинчалик, ичкилик орага тушгач, ўзаро келишмовчиликлар кучайиб бораверган. 1991 йил давомида Раҳбархон беш марта калтаклаиб, уйига кетиб қолган. Ҳар сафар Раҳимжон ота-онасидан кечирим сўраб, турмуш ўртоғини қайтариб олиб келган.

Шу йилнинг 4 март куни Тўрақўрғон тумани халқ судининг Шаҳанд қишлоғи кенгаши биносида очик суд мажлиси ўтказилди. Айбланувчи Р. Турдиев Ўзбекистон ЖМнинг 87-моддаси II-қисми билан тўрт йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Жазони ахлоқ-тузатиш меҳнат колониясида ўтайди.

СЎНГГИ СЎЗ

Тўрт йил жазо белгилаш адолатданми?

Бу саволга З. Иброҳимов тегишли жавобини берди. Лекин биз сизларнинг, азиз ўқувчиларимизнинг, фикрингизни билмоқчимиз. Хўш, адолат қарор топдими? Хатларингизни кутамиз.

... Марҳуманинг ҳовлисида унинг икки ярим ёшли ўғли — Элёр велосипедини миниб юрибди. Гоҳо шодон қийқириб қўяди. Ҳа, бугун шундай. Эртага-чи? Неъматжон МАМАЖОНОВ.

ХУСУМАТ

Дехқонобод жамоа хўжалигининг Эшонмахалла қишлоғида истиқомат қилувчи Ёдгор оилада эрка ўсиб, тарбия топди. Отаси — Қўзибой Қундузовнинг 1969 йилнинг 17 октябрь куни бахтсиз ҳодиса туфайли ҳалок бўлиши оила аъзолари қалбига бир умрлик юрак ярасига айланиб қолганди. Бунинг сабабчиси шу хўжаликда яшовчи Абдунаби Маллаев Қува тумани халқ суди томонидан 6 йил озодликдан маҳрум этилган ва жазо муддатини ўтаб қайтган эди.

Отасининг ўлимига айбдор Абдунабидан қасд олиш балки ўша кунларда Ёдгорнинг кўнгилдан кечган бўлса ажабмас...

Шу йилнинг 8 март куни кеч соат 18 лар чамаси ҳеч қаерда ишламасдан, ниқоҳсиз оила қуриб олган Ёдгор Қундузов бир шиша винони симириб олгач, ўткирланган болтачани қўлтиғига яширган ҳолда кўчага чиқди. У Абдунаби Маллаев истиқомат қиладиган Жалоер қишлоғига келиб, ўз уйи томон кетаётган Абдунабини кўчада учратди. У билан саломлашиш баҳонасида тўхтади-да, болтанинг кесувчи то-

мони билан бошининг орқа томонига, яъни миёсига зарб туширди. Оғир тан жароҳати олган Маллаев касалхонада уч кундан сўнг вафот этди.

Ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган йилгича бугун суднинг қора курсисига бош эгиб ўтирибди.

Суд ҳайъати айбланувчининг спиртли ичимлик истеъмол этиб, қасддан одам ўлдирганини ҳисобга олди. Қилган ишдан қаттиқ пучаймонлигини, муқаддам судланмаганини ҳам инобатга олгани ҳолда жазо муддати белгиланда енгиллик берди. Ўзбекистон ЖПКнинг 279, 282, 291 ва 294-моддаларига мувофиқ Ёдгор Қундузов ЎзЖПК 81-моддасидаги жиноятни содир этганлигига айбдор деб топилди ва 8 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Жазони кучайтирилган тартибли ахлоқ тузатиш колониясида ўташ белгиланди.

Холдорали ТУРДАЛИЕВ, Қува тумани халқ судининг раиси, Раҳимжон РАҲИМОВ, туман ИИБ ходими, милиция катта сержанти.

ГУМОНДОР ҲИБСГА ОЛИНДИ

28 июнь куни кеч соат олти яримда Қўрай тумани ИИБнинг Тузелдаги милиция бўлимасига қўнғироқ бўлди.

— Тезроқ етиб келинглار, — деди қандайдир эркак киши. — «Ёшлар саройи» ёнидаги дарахтзор ичида бир аёлни мурдаси ётибди!

ИИБ бошлигининг ўринбосари, милиция капитани

Т. Абдуқодиров бошчилигидаги тезкор гуруҳ воқеа жойига етиб келдилар.

Дастлабки хулоса: ёшгина аёл ўткир буюм билан чопиб ўлдирилган. Шу куни соат 9 ларда гумондор А. ҳибсга олинди. Ҳозир эса марҳуманинг шахсини аниқлашга ҳаракат қилиняпти.

Ўз мухбиримиз.

ХУШЁРХОНАЛАР КЕРАКМИ? КЕРАК!

юради...

— Бу эътирозингизни бутунлай йўққа чиқаришга ҳаққим йўқ. Аммо қуйидаги жавобимга сиз ҳам, қолаверса барча муштарийлар ҳам холис муносабатда бўлишларини истардим.

Шахсан сиз, олисдан енгил кайфи бор одамни сеза оласизми? Йўлда чайқалмасдан, ортиқча гапирмасдан кетаётган бўлса? Йўқ. Хушёрхона ходимлари ҳам шундай. Майли, тасодифан шундай бўлди, дейлик. Ўша киши мулойимлик билан милиционерга вазиятни тушунтирса, ишончим комилки, «Эҳтиёт бўлиб кетинг, ака» — деган гапни эшитилади.

Тажрибадан маълумки, кўп ҳолларда аксинча бўлади. «Енгилгина кайфи» борлар хизмат вазифасини ўтаётган милиционерга ўзининг «қонун-қоидадан хабари борлигини» кўрсатиб қўйгиси келади. Мустақил давлатда яшапмиз, шу давлат осойишталиги қўриқчисини ҳурматлашга, унинг қонуний талабларини сўзсиз бажаришга кўника олмаяпмиз.

— Кейинчи?

— Агар хушёрхонада фельдшер унинг ҳақиқатдан ҳам енгил маст эканлиги ҳақида гувоҳлик берса, зудлик билан узр сўраб, қўйворишади.

Келтирилган маст кишининг дўппосланшига келсак, фавқулодда, камдан-кам ҳолларда рўй берадиган воқеа. Кейинги икки йил ичида бундай воқеа умуман қайд этилмади. Ваҳоланки, бир кеча тунаб, кайфи тарқаган киши уйига кетиш олдидан милиционерлар қандай муно-

сабатда бўлганлиги ҳақидаги сўровга ўз қўли билан жавоб ёзиши керак.

— Хушёрхона ходимларининг кафе ва ресторо-лар олдида биқиниб туришлари ҳақидаги саволимга жавоб бермадингиз-ку?

— Кечирасиз, чалғиб кетибман, шекилли. Бу хизматда ҳам тартиб-қондага қаттиқ риоя қилинади. Улар томонидан назорат ўрнатилдиган йўналишлар, навбатчилик ўталиши керак бўлган жойлар ички ишлар бўлимлари ҳамда муассасаларимиз раҳбарлари томонидан биргаликда белгиланади. Мазкур тадбир нобоп жойларни айланиб юриб назорат қилиш учун маҳаллий шарт-шароитлар ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилади. Устига-устак ходимларнинг ҳатти-ҳаракатлари йўриқ-номалар орқали тартибга солинган. Дейлик, оилада ичкилик туфайли жанжал чиққан бўлсада, хушёрхона ходимлари маст кишини участка вакили иштирокида олиб чиқиб кетишлари асло мумкин эмас. Яна жамоат жойида кайфи бор одамга дуч келиб қолинсаю унинг ёнида хушёр таниши бўлса, олиб кетиш тавсия этилмайди. Яна бир жиҳат: хушёрхонага олиб келинганлар тунги соат бирдан эрталабки соат бешгача сақлаб турилади. Фақат хизмат сафарига бўлиб, поезд ёки тайёрага паттаси бўлгани ҳолда унга кечикаётганлар ёхуд орқасидан олиб кетиш учун қариндош-уруғлари келганлар қўйиб юборилиши мумкин. Шунда ҳам улар хушёр тортиб, ўзига келган бўлишса.

— Хушёрхоналарнинг ҳозирги имкониятлари воқеалигимизга, яъни ичкилик истеъмол қилиш даражасига тўғри келадими?

— Мавжудларига қўшимча равишда яна 24 та хушёрхона ташкил этиш керак, амалда эса уларни қисқартириш ҳаракатлари кузатиляпти. Негаки, улар ўз харажатларини ўзлари қоплай олишмаяпти. Бу, кўриниб турибдики, нотўғри нуқта назар. Муассасаларимизнинг вазифаси маҳаллий кенгашларга даромад келтириш эмас, балки жамоат жойларида ўрта ва кучли маст кишилар тўполонига йўл қўймаслик, ичкиликбозлик туфайли келиб чиқадиган турли жиноятларнинг олдини олишдан иборат.

— Ўзимнинг ҳам кузатганларим бор, хилват жойларда баъзи ўта юпун ки-йинган шахслар, уй-жойи йўқ кимсалар маст ҳолда думалаб ётишади. Ҳеч ким уларнинг «уйқусини бу-зиш»ни истамайди.

— Бу гапингиз бояги фикримнинг исботи. Агар муассасаларимиз ўз-ўзини молиявий қоплаш усулига ўтказилса, аҳвол янада мураккаблашади. Чунки, «меҳмон»ларнинг аксарияти текинхўр, ароқхўр, ҳеч қаерда ишламай, кун кечирингача одатланганлар. Агар бу ҳисобга олинмай ўзгарингча қўл урилса, хушёрхонага фақат пул тўлашга қодир кишиларнинггина олиб келиш ҳаракати кучайиб кетади. Демак, бундай муассасаларни ўзини-ўзи молиявий бошқариш усулига ўтказишга ҳали эрта.

Қўлингиз фуқаролар орасида тиббий хушёрхона ходимлари шаънига эътирозлар эшитилиб қолади: «Эдлик грамм ичгандим, холос, машинага тикнишдию олиб кетишди», «У ёқда фақат итотат этиш керак, йўқса роса дўппослашади», «Хўш жамоат жойида бўлсин, ҳоҳ бошқа ерда — ичиб думалаб ётган ҳақиқий ароқхўр-га ҳеч ким индамайди, ҳатто хушёрхона ходимлари ҳам четлаб ўтишади, негаки ҳамёнидан бир мири ҳам чиқмайди!» ва ҳоказо.

Мухбиримизнинг ИИБ жамоат тартибни сақлаш бошқармаси бўлим бошлигининг ўринбосари, милиция капитани В. Ходус билан суҳбати ана шу мавзуга бағишланган.

— Виктор Николаевич, назаримда ҳақиқатан ҳам тиббий хушёрхоналар фаолиятида жузъий камчиликлар йўқ эмас, юқоридаги эътирозларни бутунлай рад эта олмаймиз. Умуман олганда бундай муассасалар керакмики?

— Камчиликлар хусусида тўхталадиган бўлсак, рад этмаймиз, улар бор. Иш бор жойда камчилик, албатта, топилади. Хушёрхоналар керакми-йўқми, деган саволга келсак, масалани бу тартибда кўндаланг қўйиш унчалик тўғри эмас, менимча.

Сиз яхши биласиз, мастлик ҳар қандай жиноятни келтириб чиқарувчи биринчи ҳамда муҳим омилдир. Шоди курмаксиз бўлмаганидек, айниқса, катта-катта шахарларда ичкиликни ўта хуш кўрадиган, кейин қизиб олгач, ўзини шер фаҳмлайдиган шахслар озми? Яхши ҳамки хушёрхоналар бор, озгина ўзларини тийиб юришади. Йўқса, шахар ва қишлоқларимизда ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмоғини олишга интилиб, ҳар қадамда ҳамюртларимизнинг таъбини тирриқ қиладиганлар кўпайиб кетиши аниқ. Қолаверса, жиноятчилик кучайиб, оператив вазият ижобий томонга огиши мумкин.

Келинг, яқин ўтмишдаги тажрибамизга бир назар

ташлайлик. Эсингизда бор, ичкиликбозликка қарши ёппасига кураш (аслида бу ароққа қарши курашга айланиб кетдики, кейинчалик хато эканлиги тан олинди) оқибатида 1985 йилда 13 та хушёрхона тугатилди. Ҳозирга келиб эса шулардан фақат биттаси — Когондагиси қайта тикланди. Сабаб нима? Ўша шаҳардаги махсус муассаса йўқ қилинган, маст-аластлар шу даражада кўпайиб кетдики, энсизгина темир йўлда фалокатлар тез-тез содир этилаверди. Маҳаллий ҳокимият бу аҳволга бефарқ қарамади ва шу тариқа хушёрхона қайтадан фаолият кўрсата бошлади.

Кузатувлар кўрсатаяптики, бундай муассасалар янада кўпайтириш керак. Ҳа-ҳа, шундай. 1987 йилда ичкиликбозликка қарши кураш қонунини 100 минг киши бузган бўлса, 1991 йилга келиб уларнинг со-ни 158 минг кишига етди. Хушёрхонага олиб келинганлар сони эса 60 минг кишидан 85 минг кишига ортди. Юқоридаги фикрим демак, фақат шахсий мушохадам эмас, балки замон талабидир.

— Халқ орасида хушёрхона ходимлари фақат кафе ва ресторо-лар олдида биқиниб олиб, ўта енгил кайфи бор одамни ҳам ушлаб кетишади, деган гаплар

Хизматларда

ЖҚ

ТАШАККУРГА АРЗИГУЛИК

ШУ йилнинг 10 майга ўтар кечаси пойтахтнинг қоқ марказида жойлашган «Юлдуз» тикув ишлаб чиқариш фабрикасида ўғирлик юз берди. Корхонадаги хориждан келтирилган 6 та тикув машинаси ном-нишонсиз ғойиб бўлганди.

Мазкур тикув машиналарининг ҳар бири 110 минг сўм туршини, сменада 1000 тадан маҳсулот ишлаб чиқаришини ҳисобга олсак, унинг баҳоси ҳақидаги тушунчага аниқлик киритган бўламиз.

— Мазкур жиноятни ўргатар эканмиз, қизиқ бир фактга дуч келдик. Утган йили фабрика қошидаги билим юртида 11 та машина ўғирланганди. Ундан унчалик узоқ жойлашмаган ширкатдан эса 9 таси нэсиз ғойиб бўлган. Улар шу кунга қадар топилмаганди. Юқоридаги жиноятларда боғлиқлик йўқмикан? Ана шулар ҳам фаолиятимизда ҳисобга олинди,— дейди Юнусобод тумани ИИБнинг ЖҚБ бўлими бошлиғи

милиция капитани Ф. Азизов.

— Мен 22 йилдан буён фабрикада ишлайман. Шунча йиллар мобайнида 1 ёки 2 та машина ўғирланганини биламан. Лекин биринчи марта бу қадар катта ўғирлигининг гувоҳи бўлишим. Ачинарлиси, шундоқ ҳам кийим-кечаклар танқис бўлиб турган бир пайтда икки кун вақтимиз бекор кетди,— дейди кўниб фабрика директори Ф. Нуриддинова.

Туман ИИБнинг ЖҚБ ходимлари ҳар бир дақиқани ғанимат билиб ишга киришишди. Бундай дастгоҳлар айниқса тикувчилик билан шуғулланувчи ширкатларга асқотиши назарда тутилиб, ширкатлар текширилди. Бу тахмин ҳақиқатга яқинроқ эди. Икки кунлик тинимсиз меҳнат натижаси зое кетмади. Ҳақиқатан ҳам ширкатларнинг бирдан 6 та эмас, 15 та тикув машинаси топилди.

— Биз рўзнома орқали барча тикув ишлаб чиқариш

корхоналари, бирлашмалари раҳбарларига мурожаат қилмоқчимиз,— дейди Ф. Азизов.— Топилган бир неча тикув машиналарининг қайси фабрикага тегишли эканлиги ноаниқ. Агарда корхона, ташкилотларингиздан тикув дастгоҳлари ўғирланган бўлса, марҳамат, бизга мурожаат этинг. Бу билан сиз ҳам терговга ёрдам берасиз.

...Ширкатнинг икки ёш ишчиси ўз раисларидан анча-мунча қарздор бўлиб қолишди. Ишнинг касодга учраганидан эмас. Умуман ишга бўйин ёр бермаганидан. Ишониб топширилган маҳсулотларини расвои радди-бало қилганларидан. Давлат корхоналарига бунини ёшишини иложи борку-я, лекин «хусусий мулкчилик» да бунақаси ўтмайди. Зарарин қоплаш керак. Қарзини тўлаш.

Ингитларнинг бошлари қотди. Раиснинг ўзи уларга «тўғри» йўлни кўрсатди. Тикув машиналари ширкатга сув билан ҳаводай зарур.

«Эпласаларинг ана. Эпламасанглар нақ пул билан».

Тунги соат учларда икки «қарздор» яшаш жойларидан унча узоқ бўлмаган фабрикага келишди. Дарвоза ошиб ҳовлига, ундан юқори қаватларга чиқшди. Улар билан келтирган арқонни ишга солдилар. Бир юқоридан ўлжаларни арқонга боғлаб тушириб турди, иккинчиси чакалак тагига жойлаштириб. Кейин уйларида ташиб кетишди. Машинада эмас. Қопларга солиб, орқалаб.

— Жамоамиз номидан Юнусобод тумани ИИБнинг ходимларига миннатдорчилигимизни изҳор этамиз. Раҳмат, уларга,— ташаккур билдиради Ф. Нуриддинова.

Ушбу жиноятнинг тўла фаш этилиши ЖҚБ бошлиғининг ўринбосари милиция лейтенанти Ф. Мўминов, катта оператив вакиллари милиция лейтенантлари С. Эргашев, Н. Хусанов, Р. Ерметов, катта лейтенант Қ. Жумартовлар билан бирга Тошкент олий милиция мактабининг тингловчилари П. Бердалиев, И. Новиковларнинг тиришқоқлиги, маҳсулидир.

М. ИСРОИЛОВА.

ОНАСИНИНГ
МАШИНАСИДА

Олегнинг видео кўргиси келиб қолди. Ёки бу бозори чаққон даҳмаза (телевизор ва видеомагнитофон)ларни сотиб, бойвачча бўлмоқчи бўлди. Ишқилиб шунга ўхшаш бизга қоронғу хаёллар билан юрганида, таниши Ренатнинг таклифи мойдек ёқиб тушди. Албатта, бизнинг замонада видео кўриш (шубҳасиз, одамга ўхшаб ўз уйингда) ёки бойнинг боласидек чўятани қаппайтириб юриш анча мураккаб иш. Ренатнинг таклифи эса жуда содда эди: айтишича, яқин кўшнларидан бирининг уйида қимматбаҳо нарсалар, хусусан, видеомагнитофон бор экан.

Маслаҳатлашилди. Орадан бир кунни ўтказиб, муаммони ҳал қилишадиган бўлди.

1 апрель эса омадсиз келди. Йўқ, ҳеч ким ҳазиллашмади. Шундай бўлса ҳам иш юришмади. Эрталаб соат еттида кўчада одамлар кўпайиб кетди. Режа бир кунга кечиктирилди.

2 апрель, улар ўйлашдики, анча омадли келади. Кечаги кулгудан сўнг одамлар ҳали лаб-лунжини йиғиштириб ололмай, ҳеч нарсани фаҳмлолмай қолишади, деб ҳисоблашди. Лекин билишмадики, ўтган йилдан буён бу сана ҳам семиз қора ҳарф билан ёзиладиган бўлган.

Хуллас, ўша семиз қора ҳарф билан ёзиладиган кун эрталаб соат еттилар чамасида Ренатнинг онасига қарашли «Запорожец»га ўтирганча учовлон — Ренат, Олег, Сергейлар белгиланган жойга етиб келишди. Биттаси машинани кўриқлаб қолди, иккитаси эса ичкарига — видеомагнитофонни олиб чиқишга киришди.

Кўшни саҳар-мардонлаб «машинага запчасть келтирган» йигитларни уйга киритди, пешонасига тиралган кўлбола милтиқдан кўзлари мошдай очилди.

Йигитлар эпчил эди. Ҳашпаш дегунча орзудаги видеомагнитофон, телевизор, яна бир магнитофони кўтариб қайтишди.

Терговга эса Сергей номаълумлигича қолди. Қолган иккаласи айбларига иқдор бўлиб ўтирибди.

С. ЛАМАШВИЛИ,
Тошкент шаҳар Яқкасарой тумани прокурорининг ўринбосари.

ДАН

ВИЖДОНИНГИЗ ҚИЙНАЛМАЙДИМИ?

1992 йилнинг ўтган 5 ойи мобайнида Тошкент шаҳрида 1019 марта ИТХ (йўл транспорти ҳодисаси) содир этилиб, 1161 киши турли хил даражада тан жароҳати олган бўлса, 111 киши бевақт оламдан кўз юмди.

Этиборимизни шаҳримизда юз берган ИТХларнинг айримларига қаратсак. Юқорида келтирилган жами ҳодисаларнинг 297 таси одамийлик қиёфасини йўқотган ҳайдовчилар томонидан содир этилиб, жабрланувчига ёрдам бериш ўрнига жуфтакни ростлаб қолишганки, бунинг оқибатида 26 киши ҳаётдан эрта кетган, қолганлари эса турли хил даражада тан жароҳати олиб, касалхоналарда даволанишган. Агар қочиб кетмасдан, ўз вақтида ёрдам кўрсатилганда, кимларнингидир жигарбанди бўлган ўша 25 киши ҳозир ҳаёт бўлиши мумкин эди.

Кейинги йилларда бундай йўл транспорти ҳодисаларининг сони кўпайиб бораётганлиги сабабли, уларнинг олдини олиш мақсадида шаҳар ИИБ ДАН бошқармаси қошида қидирув бўлими ташкил қилинди. Бўлим ходимлари «қочоқ» ҳайдовчиларга нисбатан

кескин равишда кураш олиб боришмоқда. Май ойида содир бўлган ана шундай ИТХларининг айримлари хусусида тўхталамиз.

7 май куни кеч соат 6 яримларда Ҳамза туманидаги Алиев-Петерс кўчалари чорраҳасида 470-болалар богчаси тарбияланувчиси, 5 ёшли гўдак Ш. Тўхтаевни номаълум ҳайдовчи бошқарган автомашина уриб юборди. Ҳайдовчи ҳодиса юз берган жойдан номардларча қочиб кетди. Бола эса бошқа йўловчи машинада касалхонага олиб кетилаётганда жон берди.

Тезлик билан бу «қочоқ»ни топиш чора-тадбирлари кўрилиб, ишга ДАН бошқармаси қидирув бўлими бошлиғи ўринбосари милиция капитани С. Акбаров, шу бўлимнинг инспекторлари милиция капитани Х. Ирискулов ва милиция катта лейтенанти И. Ўтбосаровлар ҳамда Ҳамза тумани ИИБ ДАН бўлимаси бошлиғи милиция майори Р. Абдуллаевлар жалб этилди. Туни билан олиб борилган ишлар натижасида, тонги соат 4 ларда ҳайдовчи топилди. Уш жойининг тайини йўқ ҳамшаҳримиз Ж. Қўзиев экан.

Шу сингари ҳодиса 9 май

куни Акмал Икромов туманида ҳам юз берди. Тошкент халқа йўлида «Бешқайроғоч» бекати рўпарасида велосипед миниб кетаётган Ф. Обидовни ҳам номаълум автомашина уриб юборди. Ҳайдовчи номардлик қилиб қочиб кетди. Ф. Обидов ўша жойнинг ўзида вафот этди. Унга мингашиб кетаётган йўловчи —мурғаккина Жаллоддин олган тан жароҳати натижасида 16-шаҳар касалхонасига ётқизилди. Қочоқни излашда юқорида номлари келтирилган қидирув бўлими ходимлари билан бирга милиция катта лейтенанти Ш. Бегимбетов ва милиция кичик лейтенанти К. Толиповлар иштирок этишди. Тинимсиз изланишлар натижасида муҳим ҳодисани содир этиб яширинган ҳайдовчи Ж. Набиев топилди.

Бу каби ҳодисалар май ойида 59 марта содир бўлган бўлса (6 таси ўлим билан тугаган), 45 таси (ўлим билан тугаганлардан 4 таси) зудлик билан кўрилган чора-тадбирлар натижасида очилди.

Йил бошидан буён эса 210 таси (ўлим билан тугаганларининг 13 таси) очилган. Қидирув ишлари

давом эттирилаётганлари 87 та.

Қилғиликни қилиб қўйиб, қочиб юрган ҳайдовчиларнинг айримлари дарҳол топилади. Баъзиларини ойлаб қидиришга тўғри келади. Ана шу дамларда ДАН ходимлари, азиз фуқаролар, сизларнинг кўмагингизга муҳтожлик сезишади. Чунки содир бўлган ҳодисаларни ҳеч бўлмаганда бирор кимса, албатта, кўради. Мабоодо ҳеч ким кўрмаганда ҳам машинанинг пачогини тузатган уста бу ишдан воқиф бўлади. Тилни тишлаб, индамай кетиш осон иш. Лекин озгина танага ўйлаб кўрилсачи, худди шундай фалокат ҳар биримизнинг яқинларимиз, фарзандларимиз билан ҳам содир бўлиши мумкин. Ушанда ҳам жим туриб, индамай кетавериш керакми? Бу масаланинг бир томони бўлса, иккинчи томони ҳам борки, ИТХ содир этган ҳайдовчининг ҳаммаси ҳам айбдор бўлавермайди. Гуноҳи борми-йўқми — суриштирув ва тергов аниқлайди... Ҳолбуки, ҳеч нарсани ўйламай қочиб қолган ҳайдовчи ўзи билмаган ҳолда гуноҳсиз айбдор бўлиб қолиши мумкин.

Рамзиддин МУҲИТДИНОВ,
Тошкент шаҳар ИИБ ДАНБ ходими, милиция катта лейтенанти.

ДН

ҲАМИША СЕРГАК

Милиция майори Б. Раҳимов бошчилик қилаётган 152-постда Туркманистоннинг Мари вилоятига йўл олган 91-35 МХМ «Икарус» белгили автобус тўхтатилди. Юқонда текширилганда 106 минг 407 сўмлик шакар ва ҳар хил кийим-кечаклар ортилган маълум бўлди. Уларни четга олиб кетаётганлар эса Вакилбозор тумани фуқаролари Н. Тўраев, Қ. Бердиев, Г. Отаева, О. Назаров ва Э. Сўфиевалар экан.

29 май куни эса ДН кичик инспекторлари И. Худойберганов, И. Собиров ва Р. Шомуродовлар «Урганч-Москва» тайёрасига чиқаётган украинлик Ю. Кучиревни тўллаган бисоти — 13965 сўмлик эркалар кўйлаги ва автомашина эҳтиёт қисмларидан жудо қилишди.

Москвага сафарга отланган Хива туманилик У. Собиров эса 16908 сўмлик буюмларни юртдошларига раво кўрмай, «марказ»дагиларга илдинган экан.

Милиция катта лейтенанти А. Худойберганов бошчилик қилаётган 150-постда ҳам катта «ўлка» қўлга киритилди. 7 май куни ходимлар Ш. Рўзमतов, Б. Матчионовлар М. Охунов бошқариб келаётган «ГАЗ-53» белгили 92-12 АНЛ рақамли уловни тўхтатиб, кўздан кечиришди. Юқондан 336000 сўмлик аёллар пой-афзал чикди.

Шаҳрихондаги маиний хизмат уйининг этикдўзи А. Исмоилов, ҳеч қаерда ишлайдиган С. Сатторов ва туман маориф бўлимида ишлайдиган Ю. Асқаровлар бу оёқ кийимларини туркманис-

тонликларга пулламоқ ниятида эканлар.

Мазкур постнинг кичик инспекторлари У. Абдурашудов ва Б. Матчионовлар Қўшн Туркманистоннинг Тошхонув вилоятига йўл олган Х. Акбаровнинг «ВАЗ-21011» машинасини текширилганда, 57120 сўмлик хонатлас газламасини топишди.

151-постдаги ходимлар хушёрликда ҳамкасбларидан қолишмайди. 12 май куни «Урганч — Чоржўй» йўналиши бўйича қатнайидиган автобус тўхтатилганда «Шухрат» кичик онлавий корхона ишчиси Ш. Рўзметов 1500 дона елим пиёла билан ушланди.

М. Отаев эса 39500 сўмлик сигарет ва озиқ-овқатлар билан қўлга тушди.

28 майда ушбу пост хо-

димлари 17325 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини ортиб, Мари вилоятига йўл олган М. Байрамов, Г. Пашниевларни сафардан қайтаришга мажбур бўлдилар. Устига-устак ҳар бири 200 сўмдан жарима ҳам тўлашди.

Богот тумани ИИБ ходими



лари эса 29 қоп шакарни ортиб, Мари шаҳрига йўналган Ю. Маматқулноев ва И. Жониевларнинг ниятларини пучга чиқардилар.

СУРАТДА: Хоразм вилояти ИИБ ДН ходимларининг хизматидан лавҳа. Саъдулла БОБО.

Сурат муаллифиники.

ОНАМАН, АРМОНИМ ЙЎҚ

ДЕИДИ МИЛИЦИЯ ПОДПОЛКОВНИГИ ОЙНИСА ОПА ҚУРБОНБЕКОВА

Бир донишманд фоний дунёдан абадул-абад кетар чоғида сўрашибди: «Инсоният ақл-идрокининг чироғи эдингиз; илму ҳунар бобида сиз забот этмаган чўққи қолмади. Айтинг-чи, сўнгги ҳулосангиз қандай?»

«Тўғри, азиз умримни, кўзимнинг нурию қалбимнинг кўрини фалак сир-синаотларини ўрганган йўлида сарфладим. Ва шу аснода англадимки, менинг билганларим ҳали ҳеч нарса эмас экан...»

Аслида чархи кажрафторнинг ўзи шундай қурилган: ким бўлмайлик ва қайси соҳада ишламайлик, ниманидир ўрганишга интилиб яшаймиз. Ҳар кун билан билмаган ҳолда сабоқ оламиз. Аввало ҳаётнинг ўзи, қолаверса ҳар бир киши бўлмалар маънода устоз, муаллим. Лекин шу томони борки, уларнинг орасида сўнгги дамгача хотиралар ардоғида қоладиганлари, мураббий деб аташга лойиқлари бармоқ билан санарлар...

— Ойниса опа, сиз ҳозир ИИБ Тошкентдаги ўрта махсус милиция мактабида ўқув бўлими бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишляпсиз.

Аслида бу даргоҳдаги энг эски, тажрибали мураббий эканлигини ҳам, Сиздан бир вақтлар сабоқ олганлар ҳозирги кунда республикамизнинг турли вилоятларида ҳуқуқ-тартибот соҳасида билмидон ва моҳир, мард ва жасур кишилар бўлиб етишганларини ҳам биламиз. Айни кунларда ҳам курсантларга касб маҳоратини ўргатишда оналик меҳрини қўшиб жон куйдираётганингиздан-да хабаримиз бор. Аммо, келинг, суҳбатимиз мавзунини ёшлик пайтларингизга буртайлик, ўзбек қизининг тўсатдан милиция ҳаётига боғланиб қолиши бизни қизиқтирипти.

— Гапингизда жон бор. Ўша пайтларда аёл кишининг ҳуқуқ-тартибот идорасида ишлашини кўпчилик ҳазм қилолмасди, ҳозир ҳам. Лекин «тўсатдан» деганингиз унчалик ёпишмади. Мактабда ўқиб юрган давларимдаёқ ҳуқуқшунос бўлишни орзу қилардим. Онам ҳамма қатори ўзбек аёлларининг оддий бир вақилиси — бунга рўй-хушлик бермасдилар. Лекин юрак ёниб турса, иложи йўқ экан. 1962 йилда дорилфунуннинг ҳуқуқшунослик куллиётига ўқишга кирдим, кечки бўлимига. 1963 йил февраль ойида эса ИИБ ахборот марказига инспектор бўлиб ишга жойландим.

Ўқишим тўтагандан кейин

шу даргоҳга ҳуқуқшунослик кабинети бошлиғи қилиб юборишди. Бир ярим йил ўтгач, ўқитувчи, сўнгра катта ўқитувчи бўлдим. Шу йил февраль ойида эса ўқув бўлими бошлиғининг ўринбосари этиб тайинландим. Ҳаммаси — шу...

— Кўпинча бир гапни такрорлашди: ўзбеклар болажон халқ, серфарзанд. Шу бонс аёллари милицияда ишламагани маъқул. Икки ўртада қолишди — онлани рисоладагидай эплашолмайдилар, болалар тарбияси билан етарлича шуғуллана олишмайди, боз устига ишда ҳам унум бўлмайди, дейишди...

— Бу гапга умуман қўшилмайман. Ҳамма гап юқорида айтганимдай юракнинг ёниб туришида, кейин тиришқоқликда.

Мақтанчоқлик қияпти, деб ўйламасангиз, ўзимдан мисол келтирсам. Дорилфунунда таҳсил олиб, ИИБда ишлаб юрган кезларимда, ўғлим Равшан ва қизим Дилфузалар туғилишган. Бола тарбияси ишимга халақит бермаганини кўриб турибсиз, худди шунингдек, ишим ҳам болаларим тарбиясига халақит бермади: бири Сирғалида мебель комбинатида муҳандис, иккинчиси тиббиёт олий билимгоҳининг 2-клиникасида акушер-гинеколог бўлиб ишляпти.

Учинчи ўғлим Рустамбек эса ҳозир қарбий хизматда. Худого шукр, ҳаммаси ҳам хулқининг хушлиги орқасидан отаси билан менга раҳмат олиб келишляпти.

— Саволимни бир оз кучайтираман, опа, мабодо кўнглингизга олманг. Азалдан аёлларни аҳли оғизга деб аташган...

— Яна ўзига бино қўйиб гапиряпти, деган хаёлга бормангу, мактабда унвону тажриба, билим соҳасида тенг бўлган эркак ҳамкасбим мен каби талабалар қалбига йўл топа олмас керак, деб ўйлайман. Негаки менда табиат ато этган хусусият — оналик меҳр-муҳаббати борда. Ваҳоланки, ҳар бир курсантимиз оналаридан олиса ўқишляпти.

— Тўрикуя, лекин мен сизни назарда тутмайман ҳозир. Бевосита хизматдаги аёлларни айтаяман. Ахир улар бир кишини дўппослаётган барзангиларга бас келишолмайди-ку?

— А, бундай демоқчиман, денг. Аввало, биласиз, милиция соҳасидаги аёлларга кўпинча идорадаги ишларни бажариш вазифаси юклатилади. Ҳар кимнинг имкония-

тидан келиб чиқиб, кадрларни ўз ўрнига қўйиш деб айтилади бу. Аммо ҳар замонда кўча-кўйларда осойишталикни сақлаётган милиционер қизларга дуч келамиз. Вазифаларини эплашяптики, ишлашяптида. Керак бўлганда шу қизлар бир-бирини дўппослаётганларга ҳам тап тортмай яқинлашадилар. Улар жисмонан, кучсиз бўлсаларда, аёлликнинг ўзига хос сеҳри билан қуролланишган. Аксарият ҳолларда бу сеҳр ҳатто безориларга ҳам таъсир этмасдан қомайди. Ва энг охири фикрим — спорт билан мунтазам шуғулланиш асносида икки-уч нафар эркакка бас келадиган даражада маҳорат тўплаган ҳамкасб қизларни биламан.

— Энди бемалол айтаверсак бўлади: айниқса турғунлик йилларида милициядаги ўзбек аёлларига ўта паст назар билан қарашган, турғунроғи кўпинча менсинамаган. Сиз эса ички ишларда 29 йилдан бери хизмат қилиб, нафақат хизмат қилиб, балки кўтарилиб келяпсиз. Кўз тегмасини сабабини тушунтириб беролмайсизми?

— Бунинг сабаби ҳар ҳолда хушомадгўйлик ёки шунга ўхшаш бошқа нарса эмас. Тиришқоқликда. Ўзингиз яхши биласиз, ҳаёт қарама-қаршиликлардан иборат. Зиддиятлар бугун бу хилда бўлса, эртага бошқача тарзда юз беради. Шу нарсани билингки, одам билим ва савия жиҳатдан бошқалардан кам бўлмаса, ҳеч қачон тили қисқи бўлмайди. Қўкрагини роз кериб юраверди. Ҳозир ҳам ўз устимда ишладан тўхтамайман. Акс ҳолда мустақилликка эришиб, инсоний қадр-қимматга юз бурган пайтимизда ҳам қоқилиб кетиш ҳеч гапмас.

— Энди бевосита ҳозирги лавозимингиз нуқтан назардан суҳбатлашсак. Ўқув бўлими бошлиғининг ўринбосари бўлишнинг масъулияти ҳам каттадир?

— Бўлмасам-чи! Замон ўзгарди. Юмшоқ ва юқори курсида ўтиравериб ҳамманинг қўлидан келади. Гап ишлай билишда. Йўқса, тез орада писта пўчоғи каби қадрсиз бўлиб қолиш мумкин.

Бутунги кундаги инқирознинг туб моҳияти нимада, фикримни айтаями?

— Қани...

— Кадрларни тайёрлаш жараёнидаги ўқувсизлигимизда. Тез-тез ўқиш бошқа, иш бошқа деган гаплар қулоққа чалинади. Ё, тавба, нега энди? Муаллимлар тай-



ёрлаш билимгоҳи диплом олган янги мутахассисни дехқончиликка ишга юбормайди. Ёки санъаткор бўлишни истаган талаба пахта етиштириш усулларини ўқимайди билим масканида. Бевосита ўзи танлаган касб сирини синовларидан воқиф бўлади. Милицияда ҳам шундай.

Мақсадга ўта қолай: ҳамма касаллик назарият ва амалиётнинг қўшиб ўргатилмаслигида. Биз ҳозир ана шу муаммага диққат-этиборимизни қаратганмиз. Истигимиз ҳам, интилишимиз ҳам битта: курсантларимиз кўпроқ амалий машғулотлар билан шуғуллансинлар.

— Сизларда давлат тилини амалда қўллашга қандай қарайсиз?

— Умуман олганда ижобий. Аммо ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам йўқ эмас. Уларни бартараф этиш ҳаракатидамыз. Ниятимиз янги ўқув йилидан бошлаб маърузаларни ўзбек тилида олиб бориш.

— Бунга эришса бўладими ўзи?

— Аслида қийин. Чунки ўқитувчилар жамоасининг қарийб 80 фоизини рус тилида сўзлашувчилар ташкил этишади. Тилимизни билишмайди ҳисоб. Қолаверса, кутубхонамизда ўзбекча қўлланмалар йўқ дейиш мумкин. Лекин бугун қийинчиликлар олдида доводиришни, тушқунликка тушишни замон кўтармайди. Курсантларимизнинг 98-99 фоизи маҳаллий миллат вакиллари.

Биз индамасак, улар талаб қилишади. Шунинг учун ўқитувчилар жамоасини малакали кадрлар билан, курсантларимизни ўзбек тилидаги қўлланмалар билан таъминлаш бўйича олий мактаб ҳамда ҳуқуқшунослик олий билимгоҳи билан ҳамкорликни йўлга қўйишга киришдик.

— Ойниса опа, кечирасиз, ёшигиз нечада?

— Қирқ саккиздаман.

— Хушомадгўйлик қияпти деб ўйламангу ишониб қийин, анча ёш кўринасиз.

— Қайнона, буви бўлганман десам, ишонасизми? Назокатхон деган келиним бор, мени худди ўз онасидек ҳурматлайди, набирам Сардор эса икки ёшда.

Тўғрисини айта қолай, охири саволингизни бошқалардан ҳам эшитганман ва ҳар доим битта жавобни айтганман: аввало бахтиёр онаман, фарзандларим юзимни ерга қаратишмаяпти. Кейин поччангиз Салоҳиддин ака мени тўғри тушунадилар. Керак пайтида ёрдамларини аямайдилар. Тан олиш керак, бизда ҳам ҳамма оилалардаги каби етишмовчиликлар ва бошқа қийинчиликлар бўлиб туради. Аммо аҳилигимиз, бир-биримизни тушунишимиз ва ўртадаги ишонч доимо устивор. Шунинг учун ёш кўринишимнинг сабаби — поччангизда, дейман кулишиб.

— Суҳбатингиз учун раҳмат, опа!

— Саломат бўлинг.

Суҳбатдош Раҳмон АЛИ.

УМР МАЗМУНИ

Жиноятчилар жуда пухта иш олиб боришарди. Ҳеч бир жиноятни икки бор такрорлашмас, бирида мол-дунё учун бировнинг ҳаётига зомин бўлишса, кейинги сафар талончилик қилишарди.

...Шу йилнинг 18 мартида оператив маълумотда Урганч шаҳрида яшовчи, 1962 йилда туғилган Рустам Кенжаевнинг шахсий «ГАЗ-24» белгиланган автомашинаси билан бедарак йўқолганлиги ҳақида хабар пайдо бўлди. Кўп ўтмай, шу йилнинг 23 мартидаёқ 4-5 нафар номаълум шахслар Ҳазорасп туманида яшовчи Бозор Ҳасанованинг уйига бостириб кириб, қаршилиқ кўрсатган уй эгаларини қалтаклаб, мол-мулкларини олиб кетганлар.

Вилоят ички ишлар бош-

қармаси ва Ҳазорасп тумани ИИБда жиноятни фош қилиш учун оператив гуруҳ тузилди. Вилоят ИИБ жиноят қидирув бўлими бошлиғи ўринбосари милиция подполковниги Қурбонбой Собиров шу гуруҳга етакчи қилиб тайинланди.

Қурбонбой Собиров жиноятни очиб борасида ўзича режа тузди. Кунни-тунга улаб ишлашга тўғри келди. Тумандаги илгари судланган тўмондор шахслар билан суҳбат ўтказилди.

Қурилган чора-тадбирлар, сўраб-суриштиришлар, гуруҳ аъзоларининг билимдонлиги билан иш олиб бориш ўз самарасини бермай қолмади. Д. ва унинг дўсти И. лар қотиллик бўйича ушланди.

Воқеа тафсилоти бўйича қисқача тўхталаман. Жиноятчилар 3 нафар эдилар. Улар Урганч шаҳрида Рустам Кенжаевдан Ҳазорасп туманига элтиб қўйишни ва бу хизмат учун яхши ҳақ тўлашларини айтишган.

Рустам ўзича иш бароридан келганидан, «пулдор» миждозлар топиладигандан хурсанд бўлган. Кўп ўтмай миждозлар қурбонига айланишини билмаган.

Машина Ҳазорасп томон шиддат билан елиб кетган. Орқа ўриндиқда ўтириб олган йигитлар ўзларича шивирлашиб ниманидир маслаҳатлашганлар. Рустам уларга эътибор бермаган ҳам, ўзларининг сирлари бордир, деб қўяқолган.

Улар Рустамни қумлоқда

отиб ташлайдилар. Мурдасини эса олис ва киши бормайдиган жойга — Дўстлик шаҳри атрофига Туртқўл канални қирғоғига қумадилар. Машинасини ҳайдаб, қўшни Туркменистон Жумҳуриятидаги Газочак қўргон томон раवона бўлишади. У ерда машинани бошқа рангга бўйлаб оладилар.

Қотиллардан бири ўз жиноий ҳатти-ҳаракатини давом эттириб биз юқорида тилга олган Бозор Ҳасанованинг уйида босқинчилик қилган.

Бир қарашда жиноятчилар осонгина қўлга тушгандай туюлади. Аммо бундай кирдиқорларни фош қилиш замирида не-не машаққатлар ётибди.

Қаҳрамонимиз Қурбонбой Собиров бундай машаққатларнинг кўпини кўрган. 26 йиллик хизмат фаолияти давомида жиноятчиларнинг кўпи билан курашган ва

уларни қўлга туширишга эришган. Уни ҳамкасблари баъзан «жиноят қидирув устаси» дейишади.

Қурбонбой Собиров ҳозир навқирон 50 ёшда. У онлада ҳам бахтли инсон. 5 фарзанднинг отаси, 2 неваранинг буvasи. Мен Қ. Собировнинг ҳаёт йўлига назар ташлар эканман, шунинг ҳис қилдимки, у киши умрининг асосини виллоятимиздаги жиноятчиликка қарши кураш ташкил қилар экан. Ҳозирги кунда ҳам бу йўлда тинмай меҳнат қилмоқда. Зеро, у умр мазмунини шундан иборат деб билади.

М. НАВРҲАЗЛИЕВ, Хоразм вилояти ИИБ матбуот гуруҳи ходими, милиция лейтенанти. (Мақола қалам ҳақиқи «Постда» рўзномаси жамғармасига ўтказилишини сўрайман).

Ижод

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Рўпарамда мижозларга қўйилган курсида гўзал Хитой аёли ўтирарди. Қўллари тиззаларига оҳиста қўйилган. У кумушранг зангори хитойи куйлақда бўлиб, икки томондан атайлаб қирқилган жойидан ажойиб болдирлари кўриниб турарди. Кўриниши хотиржам. Чап кўкраги устида кичкина қон доғи. Уни тез ва моҳирона отиб ташлашганини тушундим. Шунчалик тезкорлик билан ўқ узашганики, ҳатто қўрқишга ҳам улгурмаган. Буни ким қилган бўлса ҳам бошлаб уйдасидан чиқибди.

Бирданига муздай сувга тушиб қолган одамдай ичкарига кириб, совуган юзини ушлаб кўрдим. Уни бир неча соат муқаддам ўлдиришганди.

Нафасимни ростлаб, телефон ёнига келдимда, полицияга қўнғироқ қилдим.

Полициячилар келишини кутар эканман, бу гўзал аёлни эътибор билан кўздан кечирдим. У, афтидан йигирма уч-йигирма тўртларга кирган бўлиб, пулдан муҳтожлик кўрмаган. Ёлматбаҳо кўйлаги, нейлон пайпоғи, янги пойабзали шундан далолат бериб турарди. Шуниси ҳам шубҳасизки, ўз қиёфасига ҳам етарли даражада эътибор берган: тирноқлари яхшилаб пардоз қилинган, сочлари ўрнига қўйиб таралган. Унинг кимлигидан мутлақо беҳабар эдим. Сумкачаси йўқ. Қотил олиб кетганга ўхшайди. Бундай аёл уйдан сумкасиз чиқшини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

Шундан сўнг қўшни хонага ўтдим-да, полициячиларнинг келишини кутиб ўтиравердим. Кўп ўтгани йўқ. Қўнғироқ қилганимга ўн дақиқа бўлмасданоқ, улар чуқмоқларга ўхшаб ҳамма ёқда уймаланиб юришарди.

Ҳаммадан кейин лейтенант Дан Ретник келди. У билан танишганимга тўрт йил бўлган. Пала-партиш кийинган, юзлари бир чимдим, тулкибашара одам. Омади келиб, шаҳар ҳокимининг сингласига уйланиб қолган ва фақат шу туфайлигина полициядаги лавозимини эгаллаб турибди. Ишга бир қақалик нафи тегмасди. Бахтига ҳозирги лавозимига ўтирганидан бери Пасадеда бирорта йирик жиноят содир бўлгани йўқ. Бу шу вақт ичидаги биринчи қотиллик эди.

Яна айтишим керак: гарчи оддийгина болалар бошқотирмасини ечишга ҳам қодир бўлмаса-да, доим ўзини ишчан, қатъиятли, ўз кучига ишонадиган полициячи қилиб кўрсатишга уринар эди. Ҳозир ҳам шундай бўлди — қўл остида ишлайдиган сержант Пальский билан хонамга отилиб кириб келди.

Сержант Пальский — ҳўппа семиз, қисқич кўзлари ёвуз боқувчи, қўллари эса одамларни дўшпослайвериб, суякларни синдиришга кўниқиб қолган давангир бир киши. Ақли Ретникникидан ҳам кам (бир ўйлаб кўринг, Ретникникидан ҳам-а), лекин ақли ўрнини бақувват мушаклари тўлдириб туради.

Унис ҳам, буниси ҳам менга ҳатто қараб қўйишмади. Ишлайдиган хонамга ўтишиб, ўлдирилган аёлга анча вақт тикилиб қолишди, сўнгра Пальский полициячиларга гап уқтира бошлади, Ретник эса менинг ёнимга келди. Ҳозир кўриниши анча ташвишли ва гангиганроқ эди.

— Хўш, аблаҳ, ҳаммасини гапириб бер, — деди у курсига ўтирган заҳоти ҳафсала билан ялтиратиб тоза-

ланган туфлисини силкитганича. — У сенинг мижозингми?

— Унинг кимлигини ҳам, бу ерда нима қилганини ҳам билмайман. Мен уни эрта-лаб хонамни очгандан кейин кўрдим.

У ўчиб қолган ситарасини чайнаганича, ғазабнок кўзларини лўқ қилиб, менга қадаб олди.

— Ҳар доим шунақа эрта келасанми?

Мен унга бошимдан ўтган ҳамма нарсани айтиб бердим. У эшитиб ўтирди. Полициячиларга ақл ўргатиб бўлган Пальский ҳам эшик ёнида пайдо бўлиб, гапимга қўлоқ соларди.

— Дала ҳовли бўм-бўш эканлигини аниқлаган заҳотимоқ, зум ўтмай бу ерга етиб келдим. Кўнглим нимадир юз берганини сезганди.

моқчи бўлганини ҳам билмайман — булар шунчаки менинг тахминларим. Хардвик нима учун мени бўш дала ҳовлисини кузатишга юборганини ҳам тахмин қилса бўлади: аёл келганида мен хонамда бўлмаслигимга ишонч ҳосил қилиши керак эди. У аёлни шу ерда кутган бўлса ажаб эмас. Қўлларим оддийгина. Эшикни қийналмай очган бўлиши керак. Аёл кириб келганида у, афтидан менинг курсимда ўтирган. Марҳуманинг юзлари хотиржам, демак у Хардвик билан таниш бўлмаган ва уни мен деб ўйлаган. Ўқ тез ва дадил узилган. Унинг афти-ангори ҳатто ўзгармаган ҳам.

Ретник Пальскийга қараб қўйди.

— Бир оз бепарво бўлсам, бу аблаҳ ўрнимизга

марварид тўғноғичини тўғри-лаб қўйди.

— Марҳуманинг шахсини аниқлаш қийин бўлмайди, — дея пўнғиллади. — Унга ўхшаш кўҳлик сариқмашак маймунчани ҳамма эслаб қолиши керак. Хардвик сенга қачон қўнғироқ қилиши керак?

— Эртага, жума куни.

— Қўнғироқ қилади дейсанми?

— Қилмаса керак.

— Ҳм, — Ретник соатига қараб ҳомуза тортди. — Афти-ангорингга қараб бўлмайди-я. Қаҳвага йўқ демассан? Узоққа кетиб қолма, оғзингга ҳам эҳтиёт бўл. Ярим соатлардан кейин сен билан яна гаплашаман.

Гап нимадалиги тушунарли. У мен ҳақимда ғамхўрлик қилаётгани йўқ, шунчаки мендан бир неча муддатга қўтилоқчи...

Биринчи қаватга тушдим. Гарчи соат миллиари йигирма дақиқаси кам саккизни кўрсатаётган бўлса ҳам, тез ёрдам ва тўртта полиция машинаси аτροφиди одамлар тўплана бошлаган эди. Бистро томон кетар эканман, орқамдан оёқ товущини эшитдим. Қаҳвани полиция назорати остида ичишимга тўғри келадиганга ўхшайди.

Барга кириб баланд курсига ўтирдим. Спарроунинг кўзлари ҳаяжондан чўғдай ёнарди, деразадан кўзини олиб, савол назари билан менга қаради.

— Нима тайёрлаб берай, мистер Рейн? — сўради у.

— Қаҳва, аччиқ қора қаҳва, Тезроқ бўл. Яна чўчка ёғи билан икки дона тухум ҳам қовуриб бер.

Орқамдан тушган оддий кийимдаги барзанги полициячи кўчада қолди. Кираверишда туриб мени кузатса бўлаверади.

Спарроу зўр бериб хотиржам кўринишга уринар эди-ю, аммо зўриққанидан терлаб кетди. Қаҳва қуйиб, тухум қовура бошлади.

— Кимдир ўлибдими, мистер Рейн?

— Ошхонангни кеча соат нечада ёлдинг? — сўрадим мен, ойнадан кўчадаги қовоғи солиқ полициячини кузатар эканман.

— Роппа-роса соат ўнда, — жавоб берди Спарроу, Сабри чидамаётганидан ҳатто сакраб-сакраб ҳам қўярди.

— Қандайдир хитойлик аёлни ўлдириб кетишибди, — қаҳва қайноқ, аччиқ ва мазали эди. — Мен уни ярим соат муқаддам хонамдан топиб олдим.

— Ҳазиллашмаяпсизми, мистер Рейн?

— Чин ҳақиқат, — қаҳвани ичиб бўлиб, идишини унга узатдим. — Яна.

— Қандайдир хитойлик аёл дейсизми?

— Ҳа. Савол бермай қўя қол. Сендан ортиқ ҳеч нарса билмайман. Мен кетганимдан кейин бу ерда ҳеч қандай хитойлик аёлга кўзинг тушмадими?

У бош чайқаб, қаҳва қўйди.

— Йўқ. Агар бу ердан ўтганда кўрган бўлардим. Кечқурун иш кам.

Димиқиб кетдим. Соат саккиз яримга қадар, яъни ёнимдан бароқ лайчали қиз ўтиб кетган пайтача гувоҳларим бор. Ҳисоб-китобларимга кўра марҳума бу вақтда хонамда бўлган. Соат саккиз яримдан сўнг нима бўлди? Ҳамма машинаша мана шундан бошланади. Жек С. Майерснинг ҳеч ким яшамайдиган уйи ёнида туни билан бедор ўтириб чикдим (бунаҳ ҳеч ким гувоҳлик бера олмайди ҳам) дейишдан бошқа бирорта маънилироқ гап айта олмасдим.

— Мен кетганимдан сўнг бизнинг бинога ҳеч ким кирмадими?

— Бир нарса дея олмайман. Дарвозабон кўча эшигини одатдагидай соат тўққизларга яқин ёлди, — у менга чўчка ёғи аралаш қовурилган тухум узатди. — Уни ким ўлдирибди?

— Билмайман, — бирданига иштаҳам бўғилди. Аҳволим ҳавас қиладиган даражада эмасди. Мен Ретникни яхши билардим. Бу йигит сал нарасага ёпишиб олади. Агар гуноҳим йўқлигига ҳар қандай тентакни ҳам ишонтирадиган далил топмасам, унинг панжасидан чиқиб кетишим мушкул. — Балки уни кўрмай қолгандирсан? А?

— Эҳтимол. Доим деразага тикилиб ўтирмайман-ку, ахир.

Икки киши кириб нонушта буюришди. Спарроудан нима бўлганини суриштиришди. У менга қараб қўйди-да, ҳеч нарса билмайман деди. Улардан бири, чарм нимча кийиб олган семиз йигит:

— Кимнидир жонини ростон қилишганга ўхшайди. Ана, ўлик ташийдиган машина турибди, — деди.

Ликопчани нари суриб қўйдим. Томоғимдан ҳеч нарса ўтмасди. Қаҳвани ичиб, курсидан тушдим.

Спарроу ҳайрихоҳлик билан менга қараб қўйди.

— Мазангиз қочдими, мистер Рейн?

— Йўқ, баъзи фикрлар тинч қўймапти. Ҳисобимга ёзиб қўй, — дедим ва кўчага чиқдим.

Ёнимга барзанги полициячи яқинлашди.

— Қаёққа? — деди қўполлик билан.

— Орқага, идорамга. Негача асабийлашмаяпсан?

— Лейтенантга керак бўлганимга айтаман. Машинага чиқ.

Полиция машиналаридан бирининг орқа ўриндиғига жойлашиб олдим. Олазарак бўлиб турган оломон менга бақадай тикилиб қолди.

Машинада ўтириб чека бошладим ва келажакда мени нима кутаётгани ҳақидаги хаёллардан ўзимни чалғитиш учун ўтмишини эсладим, ҳозирги вазиятни баҳолаб кўрдим. Тушиб қолган аҳволим ҳақида қанчалик кўп ўйласам, у менга шунчалик кам ёқаётган эди. Чоғидан, қопқонга тушиб қолганга ўхшайман. Орадан бир соат вақт ўтди. Икки санитар замбил кўтариб чиқишди. Устига чойшаб ёпилган марҳума ёш боладай жажжи эди. Оломон шовқин кўтариб, жунбушга келди. Санитарлар замбилни машинага ортиб, жўнаб кетишди. Бир неча дақиқадан сўнг навбатчи полиция ходими чиқди, машинасига ўтирди-да, уларнинг кетидан йўлга тушди.

Яна зориқиб кўтиш дамлари бошланди, кейин тафтиш ўтказётган йигитлар кўринди. Улардан бири мени қўриқлаётган полициячига нимадир ишора қилди. Ҳаммаси машинага ўтириб, жўнаб кетишди.

Барзанги полициячи мени бармоғи билан имлаб чақирди.

— Тезроқ бўл, — деди. — Лейтенант кутипти.

Бинога кираверишда «Индастриэл Хемист» ходими Жей Вейдга тўқнаш келдим. У ёнимдаги идорада, ишлайди. Ҳозиргина машинадан тушди. Лифтда бирга кўтарилдик.

(Давоми кейинги сонда).



лекин бунақасини кутмаган эдим.

— Унинг сумкачаси қани?

— Билмайман. Сизларни кутаётганимда қидирдим, лекин топа олмадим. Эҳтимол қотил олиб кетгандир.

У иягини қашлаб қўйди, сўнгра ўчиб қолган ситарасини олиб, бир дам унга тикиб турди-да, яна оғзига тикди.

— Сумкасида нима бор эдики, аблаҳ, уни ўлдиридинг? — ниҳоят сўради у.

Ретник юз-хотир қилмасди. Полицияга қўнғироқ қилаётганимда, энг аввал ўзим шубҳа остига тушишимни билар эдим.

— Сумкасида, ҳатто Британия салтанатининг бутун хазинаси бўлган тақдирда ҳам, уни айни мана шу ерда ўлдирилмаслик кераклигига ақлим етади, — дедим мен хотиржам оҳангда. — Унинг изига тушиб, қаерда яшагини билиб олгач, ўша ерда бемалол тугатиб қўя қолсам бўларди.

— Унда тушунтириб берчи, бу ерда нима қилган? Агар эшик ёпиқ бўлса, хонага қандай кирган?

— Фақат тахмин қилишим мумкин.

У кўзларини янада сузиб, бошини эгди.

— Хўш, тахминингни айтчи.

— Ўйлашимча, бу аёлнинг менда қандайдир иши бўлган. Ўзини Жон Хардвик деб атаган йигит эса аёлнинг мен билан гаплашишини истамаган. Нимагалигини билмайман. Аёл мен билан нима ҳақда гаплаш-

ўтириб олгани ҳеч гап эмас.

Пальский ҳеч нима демасдан тишини кавлаб, гиламга туфлади: гапириш унинг вазифасига кирмас эди. У бировларнинг гапини пинҳона эшитиши учун маош оларди.

Ретник бир оз ўйланиб қолди. Таҳлил қилиш унга осон эмаслиги кўриниб турарди. Ниҳоят оғзини очди:

— Буларнинг ҳаммаси бематни гаплар, болакай. Ўша йигит сенга қўналгандан қўнғироқ қилган. Қўналга эса бу ердан икки миля нарида. Агар рост гапираётган бўлсанг, сен хонамдан соат олти бўлиши биланоқ чиқиб кетгандан. Демак, у соат етти яримдан олдин бу ерга етиб кела олмасди. Бу пайтда йўлларда машиналар тикилиб ётади. Идоралар қачон ёпилишини ҳамма сингарди, бу сариқ манжалақчи ҳам билса керак. Сен бўлмагач, келишидан нима фойда? У аввал қўнғироқ қиларди.

— Қўнғироқ қилганини қаердан биласан? Балки қилгандир, хонамда эса у билан Хардвик гаплашган. Эҳтимол, кутиб ўтирибман, тезроқ етиб келинг, дегандир. Буларнинг тағига ўзи етмаганлигидан жигибйрон бўлаётганлиги Ретникнинг башарасидан шундоққина сезилиб турарди.

Эшикда навбатчи полиция ходими ҳамда санитарлар билан врач кўринди.

Пальский истамайгина уларга йўл берди ва сап-сариқ полициячини ичкарига, ўлиқни текширишга олиб кирди.

Ретник бўйинбоғидаги

Таклиф, мулоҳаза, мунозара

ИҚТИДОР, ҲАМ ЮРАК КЕРАК

Жиноят қидирув, тергов, жамоат тартибни қўриқлаш хизматларини ички ишлар идораларининг пойдевори десак муболаға бўлмайди. Умуман, милициянинг иши ана шу бўлимлар фаолияти билан баҳоланади. Аммо таъкидлаш лозимки, жиноятчиларнинг турки-таровати, юриш-туришидан бир қарашда ажрата оладиган, жиноий унсурлар олами, уларнинг хулқи, ҳунарлари билан яқиндан таниш фақат ЖК ходимларидир. Айнан ушлар тигга, ўқотар қуроллар дамига рўпара келадиганлар. Кечалари мижжа қоқмай пистирмада қаллоблар йўлини пойлайдиганлар. Айтиш керакки, бу ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Жиноят қидирувда ишлаш учун аввало, иқтидор, тиршқоқлик, эпчиллик, фикр тезлиги, қолаверса юрак керак.

— Мен ҳуқуқшунос эмас бошқа касб эгалари бўла туриб, моҳир, малакали изқувар даражасига етганларни, шогирдлар етиштирганларни биламан, — дейди Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ИИБ ЖКБ бошлиғи, милиция майори И. Серикбоев. — Мусиқа, рассомлик ва санъатнинг бошқа турларидаги каби бу касбда ҳам туғма иқтидор катта аҳамиятга эга. Мабоодо шундай бўлмаганида эди, хизматнинг машаққатларига унча-мунча одам бардош беролмас-ди.

Дарҳақиқат, мазкур хизмат ходимларининг оила аъзолари билан суҳбатлашсангиз, уларнинг гаплари деярли бир хил: «Ўғилларимизнинг, турмуш ўртоқларимизнинг деярли уй-рўзгор ишларига вақтлари, умуман, бўш, наинки бўш, дам олиш кунлари ҳам йўқ», дейишади. Фарзандларини эса фақат уйқуда кўришлари ҳам ёлгон эмас.

— Биз меҳнатимизга ачинмаймиз, — дея суҳбатни давом эттиради И. Серикбоев. — Фақат бир нарсани қийнайди. У ҳам бўлса,

фуқароларнинг лоқайдлиги, эҳтимол қўрқоқлиги дейиш тўғрироқдир. Гувоҳлик бериш у ёқда турсин, ўз уйини ўмариб кетсада, лом-мим демаслиги. Айниқса, бу шахсий улов эгаларига тегишлидир. Улар машинаси олиб қочилганлиги ҳақида тезда ИИБга хабар бериш ўрнига қандайдир «алоқачилар»ни қидиришга тушадилар. Чораси топилмагач, милицияни хабардор қилишади. Бу вақтда орадан бир неча кунлар ўтган бўлади. Воқеа содир бўлган жойда на излар, на бошқа нарсалар қолади.

И. Серикбоевнинг эйтирошлари ўринли. Шу йилнинг апрель ойида Боймат деган шахснинг машинаси олиб қочилди. Милиция ходимлари билан бир пайда жабрланувчининг ўзи ҳам «алоқачи»ларни қидира кетди. Ходимлар машинаю ўғилларни топиб, жиноий иш қўзғадилар ва судга оширдилар. Бироқ Боймат жавобгарларнинг яқинлари билан «тил топишиб», даъволаридан воз кечган. Эмишкни, ўзи машинасини вақтинча фалончига берганмишу кейин ёдидан чиқариб қўйганмиш.

ЖК ходимлари керак пайтида ҳаётларини хавфхатарга қўйиб бўлса ҳам жиноятчиларни тутадилар. Лекин бу тўла маънодаги ғалаба эмас, олдинда суд турибди. Афсуски, баъзан ҳафсалани пир қиладиган ҳоллар учраб туради.

Мисол келтираман. Опервакиллар Октябр бозори ҳудудини айланиб юриб, ён томони пачоқланган автомашинага эътибор қаратдилар. Икки йнгит юкхона устида кабохўрлик қилишар, аммо қарашлари бежо эди. Изқуварлар улардан бирини тутдилар ва бирининг чўнтагидаги оғир нарсани сезиб, ҳушёр тортидилар. Янглишишмаган экан: жанговар тўппонча, 32 дона ўқи билан!.

Ўзимизда ишланган «Макаров» билан Ю. Мелишев, «ТТ» белгилли тўппонча билан В. Зонов қуролланган.

Терговда маълум бўлишича, В. Зонов муқаддам Ўзбекистонда яшаган, ҳозир эса Исроилда истиқомат қиларкан.

Энди ушбу тўппончани «меҳмон»га нисбатан туман суди чиқарган ҳукмни қаранг: 1000 сўм жарима, яна 12 соат ичида Ўзбекистон ҳудудини тарк этиш...

Қуролли «меҳмон»га нисбатан ортиқча меҳрибонлик кўрсатилмадимикан? Қизиги шундаки, агар у «уйинчоғи»ни Исроилдан олган бўлса, қандай қилиб чегарадан ўтдикин, бу ерда олган бўлса, нега қонунларимиз бўйича қаттиқроқ жазога тортилмади?

Тўғри, ишнинг мазкур томонлари ЖКга тегишли эмас энди. ЖК эса боя таъкидлаганимиздек, жиноятчиларни тутати, айбини очадиган далилий ашёларни топади, келтиради, топширади. Одий қилиб айтганда, «масаллиқ»ни тайёрлаб, «ўчоққа ўт қалайди».

— Хорижда криминал полиция билан федерал қидирув бюроси биргаликда — тенгма-тенг иш олиб боришади. Бизда ҳам ЖК ва терговчиларнинг фаолиятини шундай ташкил этиш вақти келди. Бу ҳар томонлама қўлай ва самаралидир. Бироқ, ҳозирча терговчилар фақат тайёр материаллар, ушлаб келинган жиноятчилар билан ишлашмоқда, холос. Менимча, ушбу икки хизмат фаолиятини мутаносиблаштириб, муваффақиятга эришишимиз мумкин.

Суҳбат шу ерга етганда, хона эшиги шаҳд билан очилиб, изқувар кўринди.

— Бир соатлардан ошди, терговчини кутиб ўтирибман. Экспертиза хулосалари қўлимда. Жиноятчини ҳам ёнимда олиб юрибман. Илтимос, тергов бўлими бошлиғига айтсангиз, менинг қўлимдан олишин. Воқеа жойига чиқишим керак.

— Мана, яққол мисол. Гиёҳвандни ушлаган. Ҳаммаси ҳужжатлаштирилган. Терговчининг қўлига ҳа-

мон топширолмай хуноб. Ҳозиргина айтдим-а, жиноят қидирув, тергов бўлимлари тенгма-тенг ишлаши керак деб...

— Нима ҳам дердик. Ахир биз Америкада эмас, кечагина мустақил бўлган Ўзбекистондамыз. Эҳтимол сиз айтган фикрлар амалга, албатта, ошар.

— Амалга ошиши керак. Чунки қилаётган ишимизнинг муваффақиятини шу белгилайди.

ЖК ходимлари таркиби билан қизиқаман.

Ҳозир туман ИИБ ЖК ходимларининг ўртача ёши 23 дан 35 гачани ташкил этади. Иш стажы эса 1—2 йил. Бу муддат, албатта, изқувар учун кўп эмас. Ходим бир йилда ишни ўрганиши мумкин. Аммо, жиноятчиларнинг феъл-атвори, имкониятлари, алоқалари, услубларини ва бошқаларни ўрганиши учун бу кам. Шунинг назарда тутиш керакки, жиноятларнинг кўриниши турли бўлса-да, «қўли» бир хил бўлиши мумкин. Ана шу «қўлига» қараб фарқлаш кўп йиллар ишлаган ходимга насиб этади. Агар биз ҳақиқатан жиноятчилардан фориг бўлишни истасак (жамият, табиат, иқтисодиёт ҳам бундан манфаатдор), уларни бир жойда узоқ муддат ишлашларини таъминлашимиз керак. Бу эса унволлар даражасини ошириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш тартибни ўзгартиришни тақозо этади. Қандай қилиб? Яна давлат бюджети ҳисобигами, дерсиз? Ҳозир тушунтираман...

Маълумки, ички ишлар идораларида хўжалик, молия-режалаштириш бўлимлари мавжуд. Ундаги зобитлар ҳамма оператив хизматлардаги зобитлар қатори бир хил ҳақ олишади. Гарчи улар кечаю-қундуз ишламаслигига, хонадан ташқарига чиқмаслигига, оператив тадбирларда иштирок этмаслигига, ҳаётини хавф солувчи вазиятларга тушмаслигига қарамай. Унвол даражасида ҳам шундай. Ревизор ҳам, бош ҳисобчи ҳам, оператив вакил

ҳам барабар унволли. Қани мантиқ? Менимча, ана шу тенглаштириш одамдаги ҳар қандай иштиёқни сўндиради. Яхшиямки бу мантиқсизлики бурч, вазифа деган нарсалар билан кўмиб ташлаганмиз.

Энди бундай дейишдан мақсад нималигини айтсам. Ҳаммага маълумки, ҳозир ички ишларда электрон-техник жиҳозлар, алоқа воситаларига эҳтиёж катта. Агарда юқоридаги хизматларда ревизор, ҳисобчи, майли бош ҳисобчи бўлсин, қурилиш бошлиғи, ва ҳ. к. зобитлик лавозимларини ёлланма ходимларга алмаштирсак, электрон-техника асбобларига етадиган мабодо жамғарилмасада, ҳар қолда моддий рағбатлантиришга етарди.

Бирон жойда қондабузарлик бўлаяпти, дейлик. Эҳтимол формада бўлса қурилиш бошлиғи аралашар-у, лекин фуқаролик кийимида аралашинишга ишонини қийин. Аввало бу унинг виждонига ҳаволаку-я, аммо кўпчилик ҳолларда шундай. Алқисса, ички ишларда ишловчи бош ҳисобчининг ходимлар ҳақини ҳисоб-китоб қилишига форманинг, елкасидаги юлдузчанинг ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Шайхонтоҳур тумани ИИБ ЖКБ бошлиғи И. Серикбоев билан суҳбатни давом эттирамиз.

— Бугунги кунда ЖКда ишлаш ниҳоятда оғирдир. Жиноятчи эгриликка қўл уришдан олдин, мабоодо қўлга тушиб қолса нималар дейишини ҳам билади. Бизга гувоҳлар керак. Милиция ходимининг кўрсатмаси эса инobatта олинмайди. Яна гап қонунларимиздаги чигалликларга келиб тақалади.

Ҳаёт ривожланишда. Қонунларимиз даврга ҳамнафас эмас. Бугунги кун заруратидан келиб чиқмаган.

Мана ҳозир жиноят жойига бориш керак. Туманнинг бир бурчагидан изқуваримиз жиноятчини ушлаб, машина кутиб турибди.

Бўлим бошлиғи воқеа жойига шошилади. Мен эса уйга. Мана, ҳозир йўлга чиқаман-у, аммо билмайман, қанча вақт бекатда уловни кутиб қоларкинман?

М. ИБРОХИМОВА.

Панадаги «ишбилармонлар»

Бугунги кунда ишбилармон кишиларни қўллаб учратиш мумкин. Ойнаи жаҳонда, газета-журналларда ҳам улар ҳақида яхши-яхши, ширин-ширин гапларни ўқиш, эшитиш мумкин. Уларнинг тури кўп. Ҳаммаси ҳақида берилиб айтилаяпти ҳам. Лекин Тошкент шаҳрида ишбилармон ҳайдовчиларнинг борлиги сир тутилмоқда. Бундан уларнинг ўзлари ҳам хафа бўлишаётгани йўқ. Умуман олганда кўпчилик қатори бу тоифага мансублар ҳам халқимизга «сидқи-дилдан» хизмат қилмоқда. Буларнинг бурчлари одамларнинг оғирини енгил, узогини яқин этиш-да.

Шунинг учун ҳам улар «хотис» хизмат кўрсатиш-

моқда. Қош қорайди дегунча ўз йўналишларини ўзгартириб, йўловчи кўп томонга қатнашади. Албатта уларнинг йўналишидаги йўловчилар ҳам кўчада қолишмайди. Бу ерга бошқа автобуслар келиб «ҳожатбарорликни» бошлаб юборишади. Ишқилиб ҳамма ишбилармон, ҳамма бир-бирига меҳрибон. Икки ўртада йўл ҳақи эса 2 сўмга чиқиб турибди.

Масалан, Олой бозоридан Юнусободга кетмоқчи бўлсангиз, ҳеч қийналмайсиз: барча уловлар 60-йўналиш бўйича қатнаб турибди. Одамлар ҳам балодай билиб олишган: бир ойлигу бир марталик патталар ўтмайди. Холис хизмат — нақд пулга. 8-автокорхонага қарашли

67-йўналиш бўйича қатнайдиган «ишбилармонлар» эса ажойиб йўлни топишган. Тошкент ўрта-максус милиция мактаби олдидаги бекатда тушадиган одам бўлмаса тўхтамай ўтишади, чунки улар фақат пуллик хизмат қилишади-да. Милиция ходимлари жамоат уловидан бепул фойдаланишларини жуда яхши билишади.

Ўтириб ўйланиб қоламан: шундай оқибатсиз, лоқайд бўлиб кетдикми? Гўёки бу дунёга фақат пул топиш, бир-биримизни алдаш учун келганмиз. Бу зор қолгур пул шунчалар азизмикки, унинг йўлида инсонийлигу меҳр-оқибатни унутиб юб-раётган бўлсак?

Шукрулла САИДОВ.

ҳам инobatта олинмасе?

Ушбу мақола «шунчаки» ўқувчилар ҳаёлини чалғитиш учун чоп этилмагандир. Ва биз аминимизки, тегишли жойлар ўз муносабатларини билдиришади.

КАРИМОВЛАР онласи, Жиззах шаҳри.

КЕЧАЛАРИ ҚАНДАЙ УХЛАШАДИ?

Газетанинг 27 май кунги сониде эълон қилинган Хи-лола Ҳошимова ва Исмонил Шомуродовларнинг «Айбнинг сиймоғочдан фарқи» номли мақолани ўқиб жуда ҳайратда қолдик. Наҳотки бу ишларнинг барчаси мустақиллик, демократия деб, ҳар томондан жарангдор гаплар гапирилиб турган бир пайтда юз бераётган бўлса? Еки мустақиллик деган сўзни ҳар ким ўзича тушуниб, хоҳлаганича иш тутиб ётибди-ми? Агар ростдан ҳам шундай бўлса, унда бегуноҳу беайб кишиларни ким ҳимоя қилиди?

Мурғак боланинг бир оғиз гапига (уни ҳам ўз оғзидан эшитмай) ишониб бир одамни ўн йилга қамаб юбораверишни қайси мезон билан ўлчаб бўлади? Ўз кўзини қаматиш Қосимова учун жуда зарур бўлса керак. Балки унга уч хонали уйни олиш лозимдир. Ҳаммага маълумки, ҳозир уй-жойнинг нархи осмонга сапчиб кетган, ҳар кимнинг ҳам қурби

етавермайди бунга. Ўз-ўзидан маълумки, Аҳрор қамалса, икки ўғилни ўзи билан олиб қолган Қосимова учун уйга эгалик қилишга тўғридан-тўғри йўл очилади. Лекин шу икки гўдакни ким ўйлайпти? Уларнинг онаси йўқликка йўқ, энди отасидан ҳам ажратган билан бирор фойда бўлармикан? Қосимовани уларнинг кейинги тақдирини қизиқтирмасмикки? Ахир нима бўлганда ҳам Аҳрор шу норасидаларнинг отаси.

Терговчи Акманов ва қози Сайфуллаевларга ҳам қозил қолмадик. Нима бало, инсон тақдирини эрмак қилиб кўришяптими, улар? Нега энди асосланмасдан туриб ҳукм қилишади? Биз-ку Аҳрорни танимаймиз, лекин ушбу мақолани ўқиб жим туришга виждонимиз йўл қўймади. Бир бегуноҳ кимсанинг умрини хазон қиладиганлар кечалари қандай тинч ётаркин?

Одиловлар онласи. Тошкент.

СУД АДОЛАТЛИМИ?

«Постда» рўзномасининг шу йил 27 май сонини ўқиб, онла аъзоларимиз билан ҳайратда қолдик. Ҳайратимизни оширган «Айбнинг сиймоғочдан фарқи» мақоласи бўлди. Уни ўқиган кимса Аҳрорнинг айбсизлигини дарров пайқайди. Аммо терговчи

олиб борганлар, бу ишни кўриб чиққан суд ҳайъати-чи? Адолатли суд деймиз-у, аслида кўпинча унинг акси эканлигини кўрамыз.

Наҳотки Аҳрорнинг гувоҳларидан атиги икки нафаригина суд мажлисига чақирилса ва минг афсуски, у

Хар соҳада

Аввал инсоф бўлсин

Ҳозирги қимматчилик ҳалқимизни бир қийнаса, эҳтиёж молларининг танқислиги иккинчи ташвишдир. Очиғи иш бошлаган, бошлаган ширкатлар, кичик корхоналар ҳалқимиз оғирини енгил қилиши керак эди. Аммо уларнинг аксарияти кўзбўямачилик ва олибсотарликдан бошқасига яраётгани йўқ.

— Шаҳримизда 50 дан ортиқ кичик корхона очилган эди, — дейди суҳбатда Шаҳрисабз шаҳар ИИБ ИЖК бўлимининг катта инспектори милиция капитани Муҳаммади Ғаниев. — Улар фаолиятларини йўриқ (Устав) бўйича ташкил қилиш зарур. Аммо текширишлар мазкур кичик корхоналарнинг ҳаммаси ҳам уставлар билан ишламаётганини кўрсатди. Деярли тенг ярим кўтарасига маҳсулот олиб, унинг у ёқ, бу ёғига ўзгартиришлар киритиб, айримлари шундайлигича ўз маҳсулотидай ўзлаштирганлар. Бу кўзбўямачиликдан бошқа нарса эмас, албатта.

Биз кичик корхоналар ишини ўрганиб, бўлим бошлиғига зарур ҳужжатларни тақдим этдик. ИИБ бошлиғи К. Қурбонов ушбу далиллар билан шаҳар ижроқўмига чиқдилар. Натижада ҳалқни алдаётган 25 кичик корхона «фаолиятига» чек қўйилди.

Кичик корхона эгаларини кўзбўямачи десак, шаҳар тайёрлов идорасининг дўкон мудир Н. Қайюмовнинг устумонлигига нима дейсиз? У Россиядан келтирилган зиғир ёғига турли ёғлар аралаштириб сотган.

ИИБ ИЖК бўлимининг ходимлари март ойининг ўзида иккита йирик қаллобликни фож этишди. Улар ёнилғи қуйиш станцияларининг хизматчиси М. Йўлдошев ва

А. Иброҳимовлардир. М. Йўлдошев 2265 литр бензинни, А. Иброҳимов эса 6600 литр бензинни ҳужжат-пужкатсиз «ичиб» юборишган. Агар бу бензинлар пулга чақилса, Мелибой 3552 сўму 20 тийинни, Акрамбой 8.288 сўмини ўзлаштиришган. Эҳтимол улар Мингбулоқдан чиққан ёнилғи этагизини ёпар, деб умид қилишгандир. Шунча нефть отилиб ётганда бизникини ким ҳам ҳисобларди, дейишгандир.

Шаҳрисабз шаҳар ИИБнинг ИЖК бўлиминини ишламайти деб бўлмайди. Гарчи бўлима икки нафар ходимдан иборат бўлсада амалга ошираётган ишлари анчагина.

— Аҳоли биздан жуда кўп умидвордир. Чайқовчида бирон нарса кўрса «нега дўконда йўқ, ходимлар қаёққа қарайди, қачон дўконларимиз тўлади», деб бизга таъна тошлари отишади. Бу бир томондан тўғри. Аммо бир томондан... Негани, қонунаришимиздаги чалкашлик, очиқ жойлар чайқовчиларга қарши курашимизни чеклаб қўяди. Бу ҳақда «Постда» рўзномасида ҳам қатор мақолалар берилганди, — дейди М. Ғаниев.

Ҳа, дарҳақиқат. Рўзномамиз чайқовчиларга қарши курашни кучайтириш, қонунни ўзгартириш ҳақида қанча чиқишлар қилди. Зора мустақиллигимиз шарофати билан янги қонун қабул қилишда у инобатга олинса. Қонун, қонун деймизу, бироқ ҳар бир сотувчининг, фуқаронинг инсофи, имони бўлсин экан. Ана ўшанда қонунда безовта қилишга ҳожат қолмасди.

М. ИБРОҲИМОВА.



Жамоат тартибини сақлаш хизмати ходимлари қай шароитда ишлашлари ҳеч кимга сир эмас. Зеро бу хизматнинг номланишидан ҳам кўриниб турибди. Шу боис бундай йигитларга ҳимоя усулларини мукамал ўрганиб олиш ниҳоятда зарур.

Пойтахтдаги «Динамо» спорт комплексида эса бунинг учун барча қулайликлар муҳайё.

Суратлар муаллифи
В. МИРЗАРАҲИМОВ.



ҚИДИРИЛМОҚДА

Мирзо Улугбек тумани ИИБ томонидан ака-укалар — 1959 йилда туғилган Пахруддинов Салоҳиддин Рамзиддинович ва 1961 йилда туғилган Пахруддинов Асомидин Рамзиддиновичлар қидирилмоқда. Улар шу йил 7 июнь куни кечқурун М. Горький номи шохкўчадаги 145-уйнинг 5-хонасида истиқомат қилувчи танишлариникига тўйга олланганлар ва дом-дараксиз кетишган.

Белгилари: Салоҳиддиннинг бўйи 170 см., сочлари, кўзлари қора, мўйловли, ўнг

қулоғининг устида жарроҳ пичогидан қолган кичикроқ чандиқ бор.

Ўша куни у кўк рангли энги калта кўйлак, жинси шим, жигарранг туфлида бўлган.

Асомидиннинг бўйи ҳам 170 см., тўлқинсимон сочлари қора, мўйловли, икки қоши ўртасида 2 см. ҳажмда чандиқ, елкасида 4 см. ҳажмда туғма ҳоли бор.

Ўша куни у оқ-қора рангдаги майда катакли кўйлак, жигарранг шим ва қора туфли кийганди.

Ака-ука Пахруддиновлар

ҚОНУН АМАЛДА

Республикамиз аҳолисига маълумки, 1990 йилнинг октябрь ойида Ўзбекистон милиция ходимларининг ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофазасини тартибга солувчи Қонун қабул қилинган эди. У қандай амалга оширилаётгани ҳақида рўзномамиз ўз мухлисларини мунтазам равишда таништириб бормоқда.

Шуни қайд этиш керакки, тартиб посбонлари билан кайф ҳолда жанжаллашишни истовчилар камайди. Милиция ходимларига нисбатан қонунга зид ҳатти-ҳаракатлар сони ҳам қисқарди.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳуқуқини муҳофаза қилувчи идоралар томонидан безори шахсларга қарши кураш олиб борилмоқда. Фақат яқин вақт ичида «ўзини кўрсатган» 59 кишига турли жиноий ва маъмурий жоралар қўлланилди. Милиция ходимларининг қонуний талабларига бўйсунмаганлиги ва қаршилик кўрсатганлиги учун Ж. Ўтепов беш кунга қамалди. М. Жақсимуродов ичиб олгандан кейин, афтидан ўзини янада бақувват ҳис этиб, милиция ходими Б. Ниёзовнинг сўзларига қулоқ солмади. Қўлга олинаётганда уни ҳақорат қилди. Бу қилмишлари учун халқ суди унга икки юз сўм жарима солди.

С. Мустафоев, Д. Авазов, С. Холмуродов, Т. Мамбеткаримов ва бошқалар худди шундай қилиқлари учун юз сўм кўпроқ тўлашди. Хизмат вазифасини ўтаётган милиция ходими қаршилик кўрсатгани ва уни ургани учун Т. Р. ни оғирроқ жазо

кутмоқда. Унга нисбатан жиноий иш қўзғатилган.

Февраль ойида Москва-Душанбе поездининг йўловчиларидан бири темир йўлдаги ички ишлар идорасига шахсий буюмлари ўғирланганлиги тўғрисида шикоят қилди. Милиция ходимлари тезкор ҳаракат қилиб ўғирларни қўлга олишди. Улар шу поездда кузатувчи бўлиб ишловчи ака-ука Ш. ҳамда К. экан. Қўлга олинаётганларида айбларига иқроор бўлмадилар ва қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Оқибатда милиция ходимларидан бири тан жароҳати олди ва уни шифохонага ётқизишга тўғри келди. Ҳозир бу иш билан транспорт прокуратураси шуғулланмоқда.

Андижон вилоятида Р. Б. меҳмонхонада безорилик қилгани учун туман ички ишлар бўлимига олиб келинди. Лекин бу унга таъсир қилмади. Милиция ходими ушлаганлик ҳақида ҳужжат ёзаётганида, мушт тушириб қолди. Халқ суди унга маъмурий тартибда икки минг сўм миқдорда жарима солди. Қолаверса, жиноий иш қўзғатилган.

Республика ИИБда ташкил этилган милиция ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш бўлими қонунга қарши ҳар бир воқеани ўз назоратига олади. Бу масалада рўзнома ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Юқорида келтирилган мисоллар безориликка мойил шахсларнинг популин пасайтиришга ёрдам берса ажаб эмас.

В. ЛАДИГИН,
милиция майори.

ҚЎШИМЧА ТАЪТИЛ БЕРИЛАДИМИ?

Хизматдошларим ўн, ўн беш ва йигирма йиллаб ички ишларда ишлаган ходимларга қўшимча меҳнат таътили берилиши ҳақида айтишганди.

Шу умидда бошлиқларимга учрадим, аммо рад жавобини олдим. Бу ўринда ким ҳақу ким ноҳақ, тушунча берсангизлар.

Шамсиддин МУҲИДДИНОВ,
Чилонзор тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ходими.

БУНДАЙ ҚОНДА ЙУҚ


Республикамиз ҳудудида ўн, ўн беш, йигирма йил хизмат қилган ходимларга қўшимча таътил бериш тартиби жорий қилинмаган. Агар ходимнинг хизмат қилган йиллари 25 йилдан кам бўлмаса, юқори лавозимли раҳбарлар тавсияси билан ўша ходим қўшимча равишда 15 кун дам олиши мумкин. Шунда ҳам умумий меҳнат таътили 45 кундан ошмаслиги керак.

Неъматжон УСМОНОВ,
ИИБ шахсий таркиб билан ишлаш хизмати инспектори.

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳридаги Миробод (аввалги Ленин) туманидаги 5-кечки ўрта мактаб томонидан Сағдуллаева Дилобар Тельмановна номинга берилган А-500084 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



ҳақида бирор маълумотга эга бўлганлардан энг яқин милиция идораларига хабар қилишларини сўраймиз.



Муҳаррир

Зокир ОТАЕВ.



Телефонлар: муҳаррир —

54-37-81, муҳаррир ўрин-

босари — 39-77-23, мух-

бирлар бўлими — 59-26-56,

59-20-92, умумий бўлим —

59-21-21.

Обуна рақами — 64615.



МАНЗИЛГОҲИМИЗ:

700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

* Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт. * Мақолада келтирилган рақамлар, фантлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингден, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади. * Муаллифнинг мулоҳазаси тахририят фанрига мос тушмаслиги мумкин. * Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ўзбекистон Жумҳурияти «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни босмахонаси. 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Рўзнома офсет усулида, А-3 қолипда босилган.

Босмага бериш вақти 18.00.

Босмага берилди 17.00.

13.002 нусхада чоп этилди.

Буюртма — № Г—249.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11